Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 6-fevral № 16-17 (2742) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди ▶

МАҲАЛЛАГА кўп нарса боғлиқ

Дарҳақиқат, шундай. Ҳатто шундайки, совчиликка юрган томон ҳам, совчиларни кутган томон ҳам келин-куёв бўлмишларнинг насл-насабинигина эмас, қайси маҳаллада туғилиб-ўсганлигини ҳам эринмай суриштирадилар. «Маҳалланг — отанг-онанг» деган таърифнинг нақадар ҳаётий асосга эга эканлигига ишора бу.

2006 йилнинг 4 апрел санаси Самарқанд дарвоза маҳалла аҳлининг хотирасига бир умрга муҳрланиб қолган, десам асло муболаға бўлмайди. Ўша куни давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, ташландиқ, хароба жой ўрнида бунёд этилган, ҳар жиҳатдан ибрат олгулик, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган Оилавий поликлиника, «Мурувватекс» корхонасининг Самарқанд дарвоза трикотаж фабрикаси фаолияти билан яқиндан танишиб, шунингдек, янги қурилган маҳалла идорасини кўздан кечириб, айтган ушбу сўзлари ҳамон хотирамизда:

— Маҳалла — камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, — деган эди Юртбошимиз ўшанда. — Бу маскан миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, элюртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим рол ўйнаб келмоқда.

Биз бундай илиқ муносабатни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида яна бир карра ҳис қилдик. Президентимиз фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарурлигига алоҳида урғу бериб ўтдиларким, бу ўз навбатида, ушбу жабҳада шу кунгача амалга оширилган ишларни қайта бир бошдан мушоҳада қилишга ундайди.

Маҳалла идораси ҳамиша очиқ, бу ерда дам олиш куни деган тушунчанинг ўзи йўқ. Биров тўй қилаётганини, маслаҳатга кирганини айтса, биров бошига ташвиш тушганини, имкони бўлса ёрдам беришликни сўрайди. Ошли уй бор, урушсиз уй йўқ, деганларидек унда-бунда оилавий можароларга ҳам аралашишга тўғри келади. Ким маълумотнома, ким тавсифнома сўраб чиқади... Энг муҳими, ҳеч бир киши баҳонаи сабабни инобатга олмайди. Бошқача айтганда, ҳаммасига улгуриш керак.

Хайрли ишларга қўл урганда, одамларнинг миннатдор боқишларини туйганда, чарчоқлар чиқиб кетади. Масалан, ўтган йили Ногиронлар куни муносабати билан компютер мактабида ўқиётган Қудратилла Муталовга компютер мажмуаси совға қилинди. Моддий жиҳатдан бироз қийналиб қолган Мелиевлар оиласининг икки фарзандини маҳалла ҳудудидаги 185-мактабгача тарбия муассасасига жойлаштириб, дастлабки икки ойлик тўловлар ўтказиб берилди. Декабр бошида 50 та хонадонга манзил бўйича жами 1 миллион сўм газдан фойдаланганлик учун тўловлар амалга оширилди:

Бунда саховатпеша инсонлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг хизмати катта, албатта. Куни кеча «Нажот йўли» ногиронлар фирмаси камхарж 10 нафар аёлга қишки уст-бош тақдим этди. Шулардан келиб чиқиб, баъзан хаёлимга бир фикр келади: тадбиркорлар билан ҳамкорликни кучайтириб, маҳалла бюджетини ташкил этиш вақти етмадимикан? Ҳисобчи штати очилса бас. Қолаверса, шу баҳона яна бир иш ўрни очилармиди...

Сабаби, маҳалла фаолияти кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ 20 дан зиёд ҳужжатлар жилди мавжуд бўлиб, бу айни вақтда, фуқаролар йиғини котибининг ҳам иш бошқарувчи мақомида эъзозланишини тақозо этадигандек туюлади.

Яна бир гап. Назаримда, жамоатчилик асосида фаолият юритаётган хотин-қизлар билан ишловчи маслаҳатчи мақомини янада оширишни ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Зикирилла САМИҒЖОНОВ,
Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари маслаҳатлашмоқда.

Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги устувор мақсадимиздир

Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўқиб...

Давлатимиз тараққиётининг стратегик жиҳатлари — тинчлик, ватан равнақидаги барқарорлик, халқ фаровонлиги — пировард мақсадимиз эканлиги истиқлолнинг илк давриданоқ устувор вазифа қилиб белгиланган эди. Стратегик юксалишнинг илмий-назарий, ҳуқуқий-тарихий кафолатлари мужассам этилган ўзбек модели бугун ўз тасдиғини топмоқда, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг ўзига хос, ўзига мос аъзосига айланиб бормоқда.

Бироқ қарийб икки йилдирки, жаҳон аҳлини ташвишга солаётган молиявий-иқтисодий инқироз, унинг сабабу асоратлари ҳақида деярли ҳар куни эшитишга тўғри келаётир. Оммавий ахборот воситаларида ушбу иқтисодий бўҳрон бош мавзуга айланганлиги ҳам бор гап. АҚШнинг ипотека тизимида рўй берган тангликдан бошланган иқтисодий таназзул кейинчалик йирик банклар ва молиявий тузилмаларни домига тортиб кетди. Бу эса дунёнинг етакчи фонд бозорларида компаниялар акциялари баҳосининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Натижада, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатлари кескин пасайиб, ишсизлик ва бошқа муаммолар юзага чиқди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш лозим. Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-биридан масъулиятли вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда)

Коммуникация тизимларини ривожлантириш ҳақида гапирганда, юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида юртбошимиз бандлик даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имкони таъминланганини таъкидлаб ўтди. Аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоиз кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Дарҳақиқат, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, инқирозга қарши чоралар дастури фаровонлигимизнинг ошишини таъминлади. Президентимиз маърузасида алоқа соҳасига алоҳида тўхталиб, бугунги кунда ҳаётимизни компютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобил телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмаслиги, бу йўналишда ўтган йили 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланганини таъкидлаганининг ўзи ҳам соҳа келажаги порлоқлигидан далолат.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши фаолияти тармоқ қурултойи, пленум ва раёсат қарорларини бажаришга йўналтирилди. «Ёшлар йили» ва «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», Жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олишга қаратилган Давлат дастурларида белгиланган тадбирларни бажаришга алоҳида аҳамият бердик. Тармоқ раёсати йиғилишларида қабул қилинган 130 дан ортиқ қарор ижроси назоратга олинди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъати, «Ўзбектелеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК билан 12 та қўшма қарор қабул қилинди.

Шунингдек, нодавлат секторидаги корхона ва муассасаларда тармоқ касаба уюшмасининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб қилиш юзасидан самарали ишлар қилинди. Ўтган йили давлатга қарашли бўлмаган 29 та корхонада касаба уюшма органлари тузилди, улардан 11 таси бошланғич ташкилот, 18 таси цех қўмитаси сифатида рўйхатга олиниб, аъзолар сони 319 нафарни ташкил этди.

Алоқа – тараққиётнинг муҳим омили

(Давоми 2-бетда)

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартидан 2010 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, стауэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение–1-,2-,3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-,2-,3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот –1-,2-,3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика –1-,2-,3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— энг яхши матбуот хизмати;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-,радио-,босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www. Journalist.uz

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги устувор мақсадимиздир

(Боши 1-бетда)

Айнан шунинг учун ҳам 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш принципиал аҳамият касб этади. Жаҳон инқирозининг кўламига эътибор қаратадиган бўлсак, дунё иқтисодиётига 9,4 трлн. АҚШ доллари миқдорида зарар етказилганига кўзимиз тушади. Бу эса жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 15 фоизини ташкил этади. Маълумотларга қараганда, иқтисодий таназзул оқибатларини бартараф этишга қаратилган харажатлар АҚШда 3,5 трлн. долларга етган, бу ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизи демакдир. Шунингдек, Буюкбритания 1 трлн., Германия 893 млрд., Япония 326 млрд. ҳамда Хитой 586 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги сармояни айнан шу мақсад учун йўналтирган. Хўш, молиявий инқироз асоратлари нималарда намоён бўлди?

Аввалambор, банкларнинг барқарор фаолияти бузилиши туфайли товар алмашинуви кескин қисқарди. Давлатларнинг ташқи қарзи кўпайди. Шу боис бугунги кунда молиявий инқирозни бартараф этиш борасида бир қатор дастурлар устида иш олиб борилмоқда. Улардан бири янги пул жорий қилишдир. Буни Халқаро валюта жамғармасига аъзо давлатларнинг 85 фоизи розилик билдирсагина амалга ошириш мумкин. Бироқ, 2009 йилнинг апрел ойида Лондонда «Катта йигирматалик» давлатлари саммитида бу муаммо анжуманнинг асосий масаласи сифатида муҳокама қилинмади. Халқаро ҳамжамиятнинг эътирофича, саммитда инқирознинг чекинишига сабаб бўлувчи бошқа келишувларга эришилди. Жумладан, жаҳон иқтисодиётининг яна ўз изига тушиб кетишига ва инқироздан чиқишига оид бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Унда илк бор бўҳрондан чиқиш учун қанча миқдорда маблағ йўналтирилиши ҳам маълум этилди. Саммитда иштирок этган етакчи давлатлар раҳбарлари Халқаро валюта жамғармасига 750 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни лозим топишди.

Таъкидлаш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири хусусида Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида батафсил тўхталиб ўтилди. Жумладан, асарда давлатимиз етакчиси молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодига таъсирини камайтиришга муваффақ бўлган омиллар хусусида шундай дейди: «...Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик.

...Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари кўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади».

Шу маънода ўтган йил маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун ҳар жиҳатдан синов йили бўлди, дейишимиз мумкин.

Бу эса 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамиятини янада оширади. Бемалол айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани самара бермоқда.

Зеро, дунё ҳамжамияти етакчи экспертларининг фикрича, инқироз бошқа давлатлардан фарқли равишда Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатгани йўқ. Қолаверса, жаҳонда кузатилаётган танглик даврида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, биргина 2009 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9 фоиз кўпайди, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоиз ўсишга эришилди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 12,9 фоиз ўсди. Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чоралар натижасида, аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар юксалди. Жорий йилда ҳам барқарор ва бозор конюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилади.

Инвестиция дастури ва техник жиҳатдан модернизация қилиш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йили 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бу айни чоғда жиддий фаолият ҳисобланади.

Истиқболда, яъни 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ, капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади.

Жорий йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 млрд. АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестиция жалб қилинади.

Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсад учун йўналтирилган маблағдаи 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 70 млрд. сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда. Мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 млрд. сўмдан ортиқ 7630 та уй-жой қурилиши режалаштирилганлиги ҳам бу борада кескин ўзгариш кўзда тутилганидан далолатдир.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чоралар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало, энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур. Мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади. Жорий йилда аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш — буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолмоқда. Шу асосда 208 мингдан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Инқирозга қарши чораларни амалга оширишда мамлакатимиздаги маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган чоралар муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳсулотларни экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида, уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов ўз маърузасида ўн йиллик нисбатни келтиради. Чунончи, «Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир».

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, асосий ва етакчи соҳаларни модернизация қилиш, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш лозим эди. 2010 йилда автомобил йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 1 трлн. 540 млрд. сўм, яъни ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилаяпти.

Дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад — Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, Буюк ипак йўлини замонавий талаб даражасида қайта тиклаш авлод-аждодлар руҳини шод этиш, айни вақтда, миллий қадриятларимизни эъзозлаш-ардоқлаш дегани ҳамдир.

Халқ фаровонлигини ошириш асносида тинч-тотув яшаш, ватан равнақи учун дастурда белгиланган комплекс чораларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 трлн. сўм атрофидаги маблағ, жумладан 1,8 трлн. сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 трлн. сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 трлн. сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

«2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин, буларнинг барчаси, аввало, мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир», — деди маърузасида давлатимиз раҳбари.

Маърузада, шунингдек, бугунги давр талабидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши алоҳида таъкидланди.

Шунга кўра вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, жамоа ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмалари олдига 2010 йилда мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш ва модернизациялашни давом эттириш ва чуқурлаштиришни таъминлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришни янада чуқурлаштириш, стратегик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағларни фаол жалб этиш, банк-молия тизимининг устуворлигини янада оширишга қаратилган чораларни амалга ошириш бўйича янги-янги вазифалар қўйилмоқда. Зеро, асл мақсадимиз ҳам демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш асносида, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўлиб, бу тинч-тотувлик, ватан равнақи ва халқ фаровонлиги демакдир.

Саидахрор ҒУЛОМОВ,
ЎзФА вице-президенти,
академик

Алоқа – тараққиётнинг муҳим омили

(Боши 1-бетда)

Ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари ҳам тармоқ Марказий кенгашининг доимий эътиборида. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилишга, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик борасидаги ишларни яхшилашга, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга, қабул қилинган тармоқ ва тариф келишувлари, жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Келишув ва жамоа шартномаларига аввалги ижтимоий имтиёз ва кафолатлар сақланган ҳолда қатор қўшимча имтиёзлар ҳам киритилган. Жумладан, ходимларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиши учун контракт пулини тўлаш; филиал, ташкилот, корхона ва муассасалар томонидан ўз ходимларининг фарзандлари тармоқ ўқув юртларида таълим олиши учун контракт пулини қисман тўлаш; соҳа ўқув муассасаларини битирган ёшларга корхона томонидан Ўзбекистонда белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кам бўлмаган миқдорида компенсация тўлаш; ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган исътемол молларини харид қилиш учун фоизсиз ссудалар бериш ва бошқа имтиёз ва кафолатларни санаб ўтиш мумкин.

Соҳа ташкилот ва корхоналарида иш ҳақи, ишлаётган пенсионерларга пенсия, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва икки ёшгача бўлган бола парваришидаги аёллар таътилда бўлганида нафақа вақтида тўланиши бўйича ҳар ойда мониторинг амалга оширилади. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам, соҳа ўқув муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талаба ва ўқувчиларга Марказий кенгаш стипендияси тўлаб борилди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилиги талабларининг бажарилиши, соҳа ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш, кадрлар хизмати мутахассислари ва касаба уюшма фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган 22 та корхона ва филиалда касаба уюшма қўмиталарининг ҳуқуқий фаолияти ўрганиб чиқилди ва уларга ёрдам кўрсатилди, ҳуқуқий маъруза, суҳбат ва бошқа тадбирлар ташкиллаштирилди. Шу билан бирга, Марказий кенгашга алоқа соҳаси ходимларидан тушган 28 та ёзма ва 96 та оғзаки мурожаат қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг вилоятлардаги филиалларида, Тошкент алоқа коллежида, ТАТУ қошидаги академик лицей ўқувчилари ўртасида мамлакатимиздаги ўзгаришлар, ислоҳотлар юзасидан тарғибот ишлари мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилди.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Йил давомида соҳа ходимларининг кўҳна шаҳарлар, тарихий обидалар, муборак қадамжолар ва гўзал масканларга зиёрати уюштирилди.

Ёшларга эътибор қаратиш, уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Буни жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланишида ҳам кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан соҳа муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар фарзандларининг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилди. 2009 йилда 6216 нафар бола соғломлаштирилди.

2009 йил 7-8 август кунлари ТАТУ қошидаги академик лицейнинг спорт залида Тошкент шаҳар алоқа корхона, ташкилот ва муассасалари жамоалари ўртасида соҳа аёлларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида икки босқичли «Соғлом она — соғлом оила» аёллар спартакиадаси ўтказилди. Унда 13 жамоанинг 80 дан зиёдроқ вакили қатнашди. Шунингдек, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда тармоқ Марказий кенгашининг соврини учун минифутбол бўйича мусобақаларни ўтказиш тартиби такомиллаштирилиб, кўтаринки руҳда ташкил этилди. Мусобақаларда 12 жамоа иштирок этди.

Жорий йилда ҳам юқоридаги ишларни кенг кўламда олиб бориш, меҳнаткашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътирбор қаратамиз. Айниқса, Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида фаолият юритиш, ёшларни ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантириш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси



2010 йил январ ойида Тошкент вилояти, Қибрай туманида ООО «Milk Heaven Biznes» ўз ишини бошлади. Корхона бугунги кунда 10 турдан ортиқ қатиқ, йогурт, творог, сметана ва бошқа турдаги сут маҳсулотларини «Milk Heaven» номи билан ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотлар асосан, Тошкент шаҳар дўконларида сотилмоқда.

Корхонанинг фермер хўжалигида 20 дан ортиқ сигир боқилади, олинган сут шу корхонада қайта ишланиб, маҳсулот чиқарилади.

Суратда: ишчи Марҳабо Раҳимова.

А. ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

Орзибону Элова 2000 йилдан буён Каттақўрғон тумани марказида жойлашган 4-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитасига раисалик қилиб келади. Кўп олдида ҳисобот беришнинг барибир ўзига яраша юки бўларкан. Туман намунали семинар-йиғилиш айнан уларнинг ўқув даргоҳидан бошланишини эшитгач, юрагига бироз безовталик тушди. Карийб ўн кунлик муддат арафасида сайловдан сайловгача бўлиб ўтган ишлар сарҳисобини қоғозга туширди.

Ишонч муборак!

Йиғилиш бошланишига икки кун қолганида, мактаб директори Рустам Турсунов қабулига кириб, ички кечинмаларини қисқача ифода этди: «Домла, жамоамиз анчагина катта. Бундан ташқари, аъзолар билан ишлаш ўзига яраша масъулиятни тақозо этади. Тадбирлар, кўрик-танловларни айтмайсизми? Шунинг учун бошланғич ташкилот раҳбарлигига ёш, ташкилотчи, ғайрат-шижоатли ҳамкасбларидан бирининг номзодини тавсия қилсангизлар...».

Орзибонунинг оққўнгиллик билан айтган сўзларини эшитиб, Рустам ака кулимсираганча шундай жавоб қилди: «Мен раҳбар бўлсам-да, ташкилот аъзоси сифатида бир овозгагина эгаман. Шундай экан, фикримни кўп орасида айтарман».

Ниҳоят ҳаяжонли анжуман бошланди. Ҳисобот берувчининг маърузаси юзасидан музокарага чоғланган ўнга яқин касаба уюшма аъзоларининг барчаси ташкилот етакчиси олиб бораётган жонкуярликларни ижобий баҳолади. Пировардида, О.Элова янги муддат учун кўрсатилган ягона номзод сифатида, аҳил жамоа томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қайта сайланди.

— Туманимиз ҳудудида 172 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари йилнинг биринчи чораги давомида ўтказилиши белгиланган, — дейди таълим ва фан ходимлари Каттақўрғон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳаётжон Очилов. — Бу тадбирни бекаму кўст ўтказиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши тавсияномалари, махсус низом ва қўлланмалар биз учун жуда асқотмоқда. Таълим ва фан ходимлари ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлида хизмат кўрсатаётган қўмитамизда соҳа мавқеини янада ошириш, кўпчилик ишончига эришиш йўлида қатор ибратли ишларга қўл урилмоқда. Жумладан, тумандаги 2-,5-,8-,12-,50-мактабларда бошланғич ташкилотлар иши намунали, кўргазмали тарзда намойиш этилган семинарлар чоғида барча таълим муассасаларида ана шундай имкониятларга эришиш масаласи қўйилди. Ҳисобот-сайловлар жараёнида бу ўз натижасини беради, деган умиддамиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Уюшқоқлик билан ўтмоқда

Таълим ва фан ходимлари Қумқўрғон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин паллага кирди. Бугунгача 75 та умумтаълим ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шундай тадбир ўтказилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида етакчиларнинг ҳисоботлари тингланиб, ҳар бир жамоада энг муносиб кишилар раисликка сайланмоқда.

— Мазкур йиғилишлар зиммамизга катта масъулият юклади, — дейди таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Эшмурод Холтўраев. — Аъзоларимизнинг қувонч-ташвишига шерик бўлиб, уларнинг кўнглига йўл топиш бош мақсадимиздир.

Р. ДАВЛАТОВ

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

27. Меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ва уларни бажарищда иш вақтининг муайян муддати.
28. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари) билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
29. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли, шўр сув билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
30. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш нормалари ва тартиби.
31. Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.
32. Таътил учун моддий ёрдам тўлаш тўғрисидаги Низом.
33. Меҳнат низолари комиссияси тўғрисидаги Низом.
34. Меҳнат низолари комиссиясига унинг фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, ташкилий техника ва бошқа моддий-техник воситалар рўйхати.
35. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Низом.
36. Корхона ходимларига уй-жой олиш учун фоизсиз ссудалар бериш тартиби тўғрисида Низом.
37. Маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш сметаси.
38. Касаба уюшма қўмитасига касаба уюшма фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчи томонидан бериладиган хоналар, жиҳозлар, транспорт ва алоқа воситалари рўйхати.
39. Соғломлаштириш жамғармаси ёки корхонада тузилган шунга ўхшаш бошқа жамғарма тўғрисида Низом.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

*Мазкур тавсия билан ЎзКУФКнинг расмий веб-сайти — **www.sfp.uz**.да ҳам танишишингиз мумкин.*

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

2010 йил учун жамоа шартномаларини тузишга оид ТАВСИЯЛАР

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лишида ёки бажарилмаслигида айбдор мансабдор шахслар жавобгарлиги.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Битим.
2. Ходимларнинг касбий тайёргарлиги, уларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш, иккинчи касбга ўргатиш ишлари тўғрисида Низом.
3. Корхонада касаначилик меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида Низом.
4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.
10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.
11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.
12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.
13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.
14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

дан биринг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг тенг сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

қилиш;
в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;
г) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;
е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;
ж) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
з) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;
и) ҳар хил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;
к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятлари.

14.6. Иш берувчининг касаба уюшмасига сайланган ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига янги ходимларни фақатгина муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаларига биноан ишга қабул қилиш мажбурияти.
14.7. Асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшма қўмитаси раисига корхона ҳисобидан тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори.
14.8. Халқаро меҳнат ташкилотининг «Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

барчасида уларнинг жамоа шартномасини тузиш чоғидаги таҳririни назарда тутиш лозимлиги.
1.7. Иш берувчининг барча ходимларни жамоа шартномаси мазмуни билан таништириш мажбурияти.

II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2.1. Иш берувчининг мажбуриятлари:
а) меҳнат маданияти ва интизоми кўтарилишига эришиш, ишловчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш, тариф ставкалари ва ишбай баҳолар амалдагиларига нисбатан пасайишига йўл қўймаслик;
б) меҳнат жамоасини моддий-техник ресурслар ва молиявий маблағлар билан ўз вақтида таъминлаб бориш;
в) меҳнат унумдорлигини юксалтириш, илғор тажрибани ўзлаштириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;
г) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, корхонанинг молиявий аҳволи ва олинган фойданинг ишлатилиши ҳақида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш;
д) ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;
е) касаначилик меҳнатини ташкил этиш учун барча шарт-шароитларни яратиш;
ж) жамоа шартномасини тузишга, унинг бажарилиши устидан назоратни йўлга қўйишга, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа масалаларга оид маълумотларни касаба уюшма қўмитасига тақдим этиб бориш;
з) белгилаб қўйилган меҳнат тартиби доирасида касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро таклифлар ва талабларни ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат баҳсларини музокара йўли билан ҳал этиш;
и) ходимларни корхонани бошқаришда амалдаги қонунларга зид бўлмаган шакллардаги иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
к) касаба уюшма қўмитаси вакилларини корхона бошқарувининг ҳайъат органларига киритилишига кўмаклашиш;
л) корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатлари-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;
— ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашини тузиш;
— ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;
— ёш оилалар аъзолари бўлмиш ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.
12.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.
12.3. Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш.
12.4. Коллеж ва олий ўқув юртларини тугатиб, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган ёш мутахассисларга қўшимча ҳақ тўлаш.
12.5. Ёш ходимлар ва ёш оилалар учун банклар томонидан бериладиган узоқ муддатли кредитларни олишда кафиллик қилиш.
12.6. Ишга келган ёш мутахассисларга бир марталик тўлов бериш.
12.7. Қуйидаги ҳолларда фоизсиз ссудалар бериш:
а) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини харид қилиш ва уй-жой қурилиши учун;
б) сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган ходимларга — пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига киритиш учун.
12.8. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

XIII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ.

13.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.
13.2. Меҳнат низолари комиссияси фаолиятини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

шаббуслари билан чиқиш.

III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.

3.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш. Касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари.
3.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).
3.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.
3.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар. (Маълумот ўрнида: Халқаро меҳнат ташкилотининг 29-Конвенциясига биноан иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги лозим).
3.5. Иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи)га ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш борасидаги мажбуриятини аниқлаштириш. «Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши» тушунчасининг мезонлари.
3.6. Қисқартирилаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитиш борасида иш берувчининг мажбуриятлари.
3.7. Ходимларни оммавий равишда ишдан озод этилиши оқибатларини юмшатишга қаратилган чоралар. Масалан:
а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун кичик бизнес субъектларини таъсис этиш;
б) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чеклаш, бир неча касбда ишлашни тақиқлаш,

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб бориш.
10.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш борасида тарафларнинг мажбуриятлари:
· «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни ЎзКУФКнинг ва Республика Маънавият ва тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар ва техник воситалар билан таъминлаш;
· таниқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлабчиқариш илғорларини жалб этган ҳолда, ҳар-хил мавзудаги мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;
· тасарруфдаги кутубхона, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини ривожлантириш;
· ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни ривожланишига ёрдам кўрсатиш;
· касб маҳорати бўйича мусобақа, танлов ва тадбирлар уюштириш;
· ходимлар орасида туризмни ривожлантириш.
10.3. Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш борасида тарафларнинг мажбуриятлари (масалан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш, меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш, корхона балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини ривожлантириш, моддий — техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентар ва жиҳозларни янгилаш ва ҳоказо).

XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

11.1. Оммавий тарзда ишдан бўшатиш эҳтимоли мавжуд бўлганда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқиш, малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш, корхонада вақтинчалик ҳамда касаначилик иш ўринларини эгаллаш, тўлиқсиз

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ган таътилларнинг энг кам муддати.
4.8. Йиллик қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.
4.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.
4.10. Меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда бериладиган ходимлар тоифаларининг рўйхати (Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари):
4.11. Йиллик меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлаш муддатлари.
4.12. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.
4.13. Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш шартлари. Муддати икки хафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.
4.14. Уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил муқаррар тартибда берилиши лозим бўлган ходимлар тоифалари рўйхати (Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари).
4.15. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларининг бекор қилиниши.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Меҳнат ҳақи шакли ва тизими. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга со-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лалик ва кам таъминланганлик мезонларини ҳам белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир).
9.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.
9.2. Корхона ҳисобидан ходимларни санаторий-курортларда, санаторий-профилакторийларда, дам олиш уйларида соғломлаштириш ва дам олдиришнинг аниқ кўрсаткичлари.
9.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.
(Масалан, 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниш муносабати билан қуйидаги тадбирларни режалаштириш мақсадга мувофиқдир:
· кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш;
· биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшларга фоизсиз ссудалар бериш;
· ёш аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш;
· фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш;
· олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун контракт пулларининг бир қисмини тўлаб бериш;
· кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлари ҳарид қилиш харажатларини қоплаш.)
9.4. Ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаб бориш бўйича иш берувчининг мажбурияти.
9.5. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

5.9.8. вахта услубидаги иш учун устамалар;
5.9.9. оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
5.9.10. ишлар, ишлабчиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари;
5.9.11. ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;
5.9.12. иш жараёнида зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланганлиги учун ҳожатхона фаррошларнинг лавозим маошларига компенсация;
5.9.13. бошқа устамалар (масалан, юқори касб маҳорати учун, устозлик учун, илмий даражалари ва илмий унвонлари учун, кўп йиллик меҳнати учун, меҳнатдаги ютуқлари учун, бажараётган ишининг мураккаблиги ёки алоҳида муҳим ишлар учун уларни бажариш вақтига).
5.10. Мукофотлаш, шунингдек, йил якунлари бўйича тақдирлаш тизимлари.
5.11. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.
5.12. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ишлабчиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга жалб қилинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш.
5.13. Корхонада амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш.
5.14. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш чоғида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимга бериладиган кафолатлар.
5.15. Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
(Агар жамоа шартномасида корхона «молиявий аҳволи» ёки «ишлаб чиқариш кўрсаткичлари» ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу

Ishonch
2010-yil 6-fevral №16-17 (2742)

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

— жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

— музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

— жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Жамоа шартномаларини тузишга оид мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (2008 й. 29 декабр №76/1), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (2008 й. 29 декабр №ДЖ–05/641а) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2008 й. 30 декабр №11/АШ-07-2675) ўртасида келишилган жамоа шартномаси макети асосида ишлаб чиқилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамоа шартномасининг томонлари.

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси.

1.4. Жамоа шартномаси шартларини касаначиларга нисбатан татбиқ этиш хусусиятлари.

1.5. Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.6. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар мазмунига қилинган ишораларнинг

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги 135-Конвенциясига, шунингдек, «Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақидаги Низом»га биноан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилиши:

14.9. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига жамоатчилик ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда бўш вақт берилиши.

14.10. Меҳнаткашлар вакилларини интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амалларидан муҳофаза қилиш кафолатлари.

XV. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

15.1. Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи қўшма комиссияни тузиш.

15.2. Жамоа шартномаси бажарилиши юзасидан оммавий текширув ўтказиш ва текширув натижаларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да муҳокама қилиш муддатлари.

15.3. Тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий), ҳудудий-тармоқ келишувларини тан олиш ва уларни бажариш, жамоа шартномасини уларга мувофиқлаштириш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.

15.4. Жамоа шартномасини амалга ошириш механизми.

15.5. Жамоа шартномаси мазмунини манфаатдор бўлинмалар ҳамда ходимлар эътиборига етказиш чоралари.

15.6. Жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

XVI. ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ЁКИ УЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Тарафлардан бирининг жамоа шартномасида белгиланган шартлар бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ҳақида берган тақдимномаларини бошқа тараф томонидан кўриб чиқиш муддатлари.

16.2. Жамоа шартномаси мажбуриятларининг бузи-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Маълумки, ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилади. Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонун ҳужжатларида ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатлари борасида фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурат белгилаб берилган.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар (ташкилотлар, муассасалар)[1] ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси норматив-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Томонлар-

[1] кейинги ўринларда «корхона» деб юритилади.

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек, бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга (асосий ишидан озод этилиб ёки этилмасдан) жалб қилинган юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

23. Корхонада амалиёт ўтовчи олий ўқув юртлари талабаларининг ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида Низом.

24. Йил якунлари бўйича мукофотлаш тўғрисида Низом.

25. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати.

26. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган ва бунда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этиладиган бўлинмалар рўйхати.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг ҳоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз ҳоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларнинг малакасини ўзгартириш ва бошқа касбга ўргатиш учун Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш Маркази билан шартнома тузиш;

е) ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш олган ходимга огоҳлантириш муддати давомида бошқа иш қидириш учун бўш вақт бериш;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимларнинг қўшимча тоифаларини белгилаб қўйиш (агар улар Меҳнат кодексининг 103-моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

4.1. Ходимларнинг турли тоифалари учун иш вақтининг узунлиги.

4.2. Меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун қисқартирилган иш вақти.

4.3. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

4.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

4.5. Ходимлар учун махсус танаффуслар ўрнатиш.

4.6. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

4.7. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирил-

иш вақти режимида ишлаш учун имкониятлар яратиб бериш.

11.2. Тиббий хулосага мувофиқ фақат ҳомиладор аёлларни ишга жойлаштириш учун енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш.

11.3. Ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса);

11.4. Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаффуслар ўрнатиш.

11.5. Болалик аёлларнинг болани парваришлаш таътилида бўлган вақтини ҳақ тўланадиган йиллик таътили олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш.

11.6. Нормативда кузда тутилгандан ташқари аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини барпо этиш.

11.7. Бошқа имтиёзлар.

(Масалан, кўп болалик аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, улар учун қўшимча тиббий хизмат, санаторий-курортларда бепул даволаниш, қисқартирилган иш вақти, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар (дам олиш кунлари) жорий этиш).

XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобда «ёш ходимлар», «ёш мутахассислар», «ёш оилалар» тушунчалари мезонларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир).

12.1. Корхонанинг ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

— Халқаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

— ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

га риоя қилиш;

м) рационализаторликни ривожлантириш;

н) корхонанинг иш самарадорлиги юксалишига, хомашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш.

2.4. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) касаба уюшма қўмитаси вакилларини корхона бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, иш берувчи билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиш;

д) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, корхонани бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ва дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни иш берувчига киритиб бориш;

е) ходимларни рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

ж) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

з) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш та-

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

XIV. ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК. КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ

14.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига биноан, касаба уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилиш, унинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш борасида иш берувчининг мажбуриятлари.

14.2. Касаба уюшма қўмитасини корхонада ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида тан олиниши.

14.3. Касаба уюшма аъзоларининг ёзма аризалари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадалларини корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолиш ҳамда касаба уюшмасининг ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.

14.4. Иш берувчининг:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин Касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятлари.

14.5. Касаба уюшма қўмитасининг:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, корхона Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланиши ва назорат қилиниши борасида тарафлар мажбуриятлари.

6.2. Иш берувчи мажбуриятлари:

6.2.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этиш;

6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

— пул мукофотлари билан;

— ташаккур эълон қилиш билан;

— қимматбаҳо совғалар билан;

— корхонанинг санаторий-профилакторийсига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантириш.

VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори.

7.2. Иш берувчининг зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечиш ҳуқуқини тартибга солиш.

7.3. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати.

7.4. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби.

8.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этиш.

8.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни сайлаш тартиби, шартлари ва меъёрлари.

8.4. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш.

8.5. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этиш.

8.6. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш.

8.7. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийимбош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари.

8.8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасига биноан дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек, аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур шартнома мақсадида оилаларнинг кўп бо-

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лиш механизми.

5.2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткалари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси янада такомиллаштирилганда корхонанинг тариф сеткаси ҳам қайта кўриб чиқилиши борасида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари.

5.3. Тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги нисбат.

5.5. Иш ҳақини тўлаш муддатлари:

5.6. Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги.

5.7. Ходимларнинг пластик карточкаларига ўтказиладиган иш ҳақининг фоиз чегараси.

5.8. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш, уларни жорий этиш тартиби.

5.9. Оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг турлари ва миқдорлари.

Масалан:

5.9.1. тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақ;

5.9.2. иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун тўланадиган ҳақ;

5.9.3. кўп сменали режимдаги иш учун устамалар;

5.9.4. хизмат сафарлари учун компенсация тарзидаги тўловлар;

5.9.5. иш берувчининг розилиги билан ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдалангани учун харажатларни қоплаш;

5.9.6. иш берувчининг таклифига биноан ходим бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда унинг қўшимча харажатларини тўлаш;

5.9.7. кўчиб юриб ва қатнаб бажариладиган характердаги ишлар учун устамалар;

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

си Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча маблағ ўтказиш.

9.6. Иш берувчининг ишлаётган пенсионерларга ўтган ой учун пенсияни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир вақтда тўлаб бориш мажбурияти.

9.7. Иш берувчининг ўз маблағлари мавжуд бўлган тақдирда пенсиялар, компенсациялар ва нафақаларни ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бир кунда ўз маблағлари ҳисобидан (тўланган суммаларни кейинчалик нобюджет Пенсия жамғармаси маблағидан қоплаш шарти билан) тўлаб бориш мажбурияти.

9.8. Ходимлар фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишларини таъминлаш, бунда айрим тоифадаги ходимларга йўлланмалар нархини тўла ёки қисман қоплаш.

9.9. Корхонага қарашли ижтимоий инфратузилма объектларини, шу жумладан, санаторий-профилакторий, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, ётоқхоналар ва турар жой биноларини таъмирлаш, сақлаб туриш ва ишлашини таъминлаш.

9.10. Корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бериладиган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар (Масалан, овқатланиш, йўл кира, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, дафн маросими сарф-харажатлари учун, ходим узоқ вақт мобайнида бетоб бўлганда, таътилга кетаётганда, пенсияга чиқаётганда моддий ёрдам кўрсатиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ходимларни эмлаш, айрим тоифадаги ходимлар учун соғломлаштириш йўлланмалари нархини тўла ёки қисман қоплаш, ходимлар фарзандлари учун Янги йил совғаларини харид қилиш, ходимларни гўшт-сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ва ҳоказо).

X. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

10.1. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари учун касаба уюшма қўмитаси

Ishonch
2010-yil 6-fevral №16-17 (2742)

Ташриф олдидан

Ўзбекистоннинг ишончли шериги

Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётгани, ҳеч кимга сир эмас. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўхшашлиги, бир-бирига ишонч ва ҳурмати, ҳамкорликдан икки томон ҳам манфаатдор экани муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.



2005 йил май ойида Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтаришни таклиф қилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асносида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги илғор савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорларидан биридир. Бу мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ намоён бўлган эди. 1992 йилдаёқ Савдо битимига мувофиқ икки мамлакат ўртасида энг қулай режимнинг ўрнатилгани шундан далолат. 1994 йилдан бошлаб савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликка оид Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси фаолият юритиб келмоқда.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳада ҳам муваффақиятли ҳамкорлик амалга оширилмоқда. 1992 йилдан буён Тошкентда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун танлов асосида Кореяда тил амалиёти ва малака ошириш курслари ўташни ташкиллаштирадиган Корея таълим маркази фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти ҳамда компютер марказлари ишлаб турибди. Мамлакат бўйича 9 та олий ўқув юртида кореяшунослик кафедралари очилган, 22 та мактабда корейс тили ўқитилади. 1999 йилдан бошлаб «Ўзбекистон-Корея Республикаси» дўстлик жамияти фаолият юритмоқда. Корея Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида турли кўргазмалар, халқ ўйинлари ва маросимлари, кинофилмлар намойиши, корейс қўшиқлари, мумтоз ва эстрада куйларидан тузилган фестивал ва концертларни ўз ичига олган «Корея маданияти ҳафталиги» ўтказиб турилади.

2008 йил ноябр ойида Корея Республикасида «Марказий Осиё нафосати» фотосуратлар кўргазмаси, «Сўғдиёна» ансамбли мусиқачилари иштирокида «Ипак йўли руҳияти» концерти, «Ипак йўли ёғду ва ранглари» миллий либослар намойишини ўз ичига олган Марказий Осиё давлатлари маданиятига бағишланган «Ипак йўли» фестивали бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон-Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган дейиш учун барча асослар бор. Бунинг яққол тасдиғи сифатида олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлигини қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз раҳбари 2008 йил февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган президент Ли Мён Бакнинг лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, бир қатор мулоқотлар ўтказди. Ушбу сафар асносида Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни анъанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ташриф чоғида муҳим шартнома ва битимлар имзоланди. Хусусан, энергетика ва табиий ресурслар соҳасида «UzKorGazChemical» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги битим, иккита фойдали қазилмалар конида қўшма тадқиқот ишларини олиб бориш тўғрисидаги шартнома, «ДЭУ Интернейшнл» компаниясининг Бухоро тўқимачилик саноатига инвестиция киритиши тўғрисидаги шартнома, ҳаво орқали юк ташиш соҳасида икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битимлар тузилди. Президент Ислом Каримов 2008 йил август ойида Пекинда бўлиб ўтган олимпиаданинг очилиш маросимида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади. Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди. Президентларнинг суҳбатида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига асосланиши, ушбу учрашув икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилишидан далолат эканлиги таъкидланди.

2009 йил 10-2 май кунлари Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ўртасида икки томонлама стратегик шериклик масаласи ўз тасдиғини топган самарали учрашув бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли бўлган иккитомонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолати, долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилишди, шунингдек, нефт, газ ва табиий бойликларни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик натижаларига баҳо беришди.

Президент Ли Мён Бак биргаликда «Янги ипак йўли» қўшма лойиҳасини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Уни амалга ошириш учун президентлар Корея Республикасининг илғор ахборот технологиялари билан Ўзбекистоннинг кенг логистик тизими ва темирйўл тармоқларини бирлаштириш борасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар. Жанубий Корея Ўзбекистон билан таълим, машинасозлик тўқимачилик, ахборот технологиялари, инфратузилма, қурилиш ҳамда нефт ва газ каби соҳаларда янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир. Янги қўшма лойиҳалардан бири Ўзбекистоннинг ривожланган саноат тузилмаси, малакали ишчи кучи ва бой хомашё ресурсларига эга бўлган Навоий вилоятида Эркин индустриал-иқтисодий зонани ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг фармонига асосан икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожига улкан ҳисса қўшган бир қатор таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари мамлакатимизнинг давлат мукофотлари билан тақдирланган. Юртбошимизнинг фармонига кўра «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директори Валерий Тяннинг Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб тайинланишини алоҳида эслатиб ўтиш керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда корейс халқи маданияти, санъати ва анъаналарига катта қизиқиш билдирилмоқда. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик кучаймоқда. 2009 йилнинг 23 февралида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Корея миллий музейи ўртасида «Маданий ва илмий алмашинув ва ҳамкорлик тўғрисида»ги меморандум имзоланган. У яқин беш йил муддатга мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон ва Корея Республикаси халқлари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, дўстона муносабатларни ривожлантириш, маданият, санъат, таълим, илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, миллий анъаналарни тиклаш, дунё ҳамжамиятига миллий маданият, тарихий мерос ва замонавий маданият турли-туманлигини етказиш, ўзбек ва корейс халқлари маданий меросини тарғиб қилиш, кўргазма, концерт, халқаро симпозиум ва конференциялар уюштириш, халқлар ўртасида маданий алоқалар ривожига ҳисса қўшиш каби мақсадларни кўзлаган.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги халқаро сиёсат майдонидаги ҳамжиҳатликни ривожлантириш учун замин бўлмоқда.

Ш.ТЎЛАГАНОВ

Фермерлар ҳам газета ўқисин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши нашри бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари кейинги йилларда нафақат касаба уюшмалари, балки мамлакатимиз зиёлилари ва кенг омма эътиборидан жой олиб, обрў ва нуфузи ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Газета саҳифаларида касаба уюшма ҳаёти, ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, маданий ва тарихий меросимизга бағишланган, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, халқимиз тафаккурини юксалтиришга хизмат қилувчи материалларнинг кўплаб бериб борилаётганлиги ўқувчилар сонининг ортишига хизмат қилаяпти.

Маълумки, Сурхон воҳасининг асосий даромаду буромади агросаноат тизимидан. Вилоятда 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 5283 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда жами 133129 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Баъзан айрим фермер хўжаликлари ишчилари билан матбуот нашрлари фаолияти ҳақида суҳбатлашсак, уларнинг аксарияти «Ishonch» газетасининг ашаддий мухлиси эканликларини айтишади. Хурсандчилигимиз ортиб, «Обуна ҳам шунга ярашадир?», дея сўраганимизда эса улар елка қисиб, «Фермер хўжалигимиз раҳбари билади. Бироқ бирон марта ҳам газета кўтариб юрганини кўрмаганмиз», дейишади.

Очиғи, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши мутасаддиларида ҳам бу масалада рағбат сезмадик. Уларнинг маълумотида кўрсатилишича, бор-йўғи 160 дона обуна (шундан 31 дона обуна касаба уюшма бюджети, 129 дона обуна хўжалик маблағи ҳисобидан) уюштирилган.

Воҳада агросаноат мажмуи тизимида «Пахтасаноатсотиш» уюшмаси, қишлоқ хўжалиги тизимига қарашли ўнлаб бюджет билан таъминланадиган «Ветеринария», «УНЭС» каби йирик ташкилотлар мавжуд. Фермер хўжаликлари ва ташкилотларда ҳам ўзибўларчилик кўзга ташланади. Кўпчилик корхона ёки фермер хўжалигининг иқтисодий аҳволи яхши эмаслигини рўкач қилади. Аслида эса бу шунчаки баҳонадан ўзга нарса эмас.

Юртимиз қишлоқ хўжалиги ривожида фермерчилик ҳаракати муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётган фермерлар юқори натижаларга эришишаяпти. Жумладан, Жарқўрғон туманидаги «М.Тоғаев», «Саодат», «Оққар», «Номоз бобо» каби кўплаб фермер хўжаликларида ўтган йили юқори даромад олинди. Лекин... меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи «Ishonch» газетасига обуна бўлиш фаромуш этилди.

Олтинсой ва Денов туманлари почта алоқа тармоғи идораларидан олинган маълумотда ҳам бирорта фермер хўжалиги газетамизга обуна бўлмаганлиги кўрсатилган. Бандихон, Қумқўрғон, Қизириқ, Ангор туманларида ҳам шунга ўхшаш аҳвол.

Шу ўринда савол туғилади: Сурхон воҳаси фермери маънавий эҳтиёжини қондиришни истамайдими? Ёки бунинг бошқа сабаби бормикан? Ҳар ҳолда, маънавий тарғибот воситаси бўлмиш матбуотга нисбатан бундай муносабатни оқлаб бўлмайди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши диққатига!

Газета чиқишидан сўнг...

Танқид ҳушёрликка ундади

«Ishonch» газетаси доимий ҳамроҳимиз, яқин маслаҳатчи-ю кўмакчимизга айланган десам хато бўлмайди. Шу боис жамоамизда бу нашр севиб мутолаа қилинади.

Газетанинг 2009 йил 12 сентябр сонида чоп этилган «Штатлар жадвалида йўқ...» сарлавҳали танқидий мақола биз касб-ҳунар таълими тизими ходимларини яна бир бор ҳушёрликка ундади назаримда. Негаки, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги рост. Бундан уч йил аввал Пишағар қишлоғидаги касб-ҳунар коллежида ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисани кўпчилик армон билан эслайди.

Танқидий мақола жамоамизда муҳокама қилинди. Бу борада бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тавсия этилган услубий қўлланмага таяниб, коллеж касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси иш режаси қайта ишланиб, унинг мажлисида кўриладиган масалалар мукаммаллаштирилди, ташкилий ишларга эътибор оширилди.

Бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш учун меҳнат муҳофазаси бўйича вакил сайланган бўлиб, у маъмурият билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Коллежимизда 859 нафар ўқувчига тўққиз йўналиш бўйича билим берилиб, касб-ҳунар ўргатиляпти. Ўқувчилар ҳамда ходимларга зарур меҳнат, дам олиш ва ўқиш шароитларини яратиб беришни давр тақозо этаяпти. Замон билан ҳамнафас бўлиш эса бизнинг бурчимиз.

Холмурод ҲАМРОҚУЛОВ,
Жиззах туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори

Инсон соғлом ўсиши ва фикрлаши учун меъёрий ва хилма-хил маҳсулотлар билан овқатланиши керак. Улар орасида балиқ муҳим аҳамият касб этади. Унинг гўшти углевод, оқсил, ёғ, витамин ва микроэлементларга бойлиги билан ажралиб туради. Бир кило балиқ гўштида 1200-1400 ккал. энергия мавжуд. Инсоннинг балиққа бўлган йиллик эҳтиёжи 18,2 кг.ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 12 кг. қилиб белгиланган.

Етти хазинанинг бири

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида, Бухоро вилояти ҳокими 2009 йил 12 февралда «Вилоятда 2009-2011 йилларда балиқчиликни кескин ривожлантириш ва соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорларни бажариш ва вилоятда балиқ маҳсулдорлигини 1000-1200 тоннага етказиш учун балиқчилик хўжаликларидан оқилона фойдаланиш кўзда тутилган. Бунинг учун барча ҳавзаларда балиқнинг карп, оқ амур, оқ ва чипор дўнгпешона турлари боқилмоқда.

Ҳозир вилоятда сунъий ҳовузлар майдони 1000 гектардан ошиқ. Кейинги йилларда бу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган. Ҳар гектар ҳовуздан ўртача 500 кг. балиқ олинса, унинг ялпи маҳсулдорлиги 500 тоннани ташкил қилади. Бу эса табиий кўлларнинг ялпи маҳсулдорлигидан 5 марта ортиқдир.

Ҳар бир балиқчилик хўжалигида 3 тоифадаги ҳовузлар бўлиши лозим. Улар ўстириш, қишлаш ва яйлов, яъни товар балиқ етиштириш ҳовузларини ташкил этиши керак.

Ўстириш ҳовузи карп ва ўсимликхўр (оқ амур, дўнгпешона) балиқларни чавоқлик давридан сеголетка давригача боқишга мўлжалланган бўлади. Майдони 0,3-0,5 гектар, ўртача чуқурлиги 0,5-0,8 м. максимал чуқурлиги 1,5 м. Апрел ойида чавоқ қўйишдан 3-4 кун олдин ҳовуз сув билан тўлдирилади. Ўстириш ҳовузи ложи борича қишлаш ҳовузи билан ёнма-ён бўлиши керак. Ҳовузнинг сув кириш ва чиқиш жойлари махсус капрон тўр билан ҳимоя қилинади. Сув чиқадиган жойда балиқ тутқич мосламалар қурилади. Балиқлаштириш учун чавоқлар зичлиги ҳар 100 м² юзада 100.000 донадан бўлиб, асосан хилмахил усулда, карп оғирлиги 35 г, дўнгпешона 50 г, амур 150 г.га етганча боқилади. Чавоқлар октябр ойигача парвариш қилинади.

Ўстириш ҳовузига вегетация даврида гектарига 50-60 кг. минерал ўғит (азот, фосфор), 0,5-1 тоннагача органик ўғит берилади. Мавсум давомида сувнинг кимёвий таркиби, гидробиологик ҳолати ҳамда чавоқларнинг ўсиши назорат қилинади. Табиий озуқа — фитопланктон, зоопланктон, зообентос миқдорига эътибор берилади. Ўстириш ҳовузларидан сеголеткалар октябр ойларида овланиб, тайёрлаб қўйилган қишлаш ҳовузига ўтказилади.

Қишлаш ҳовузи тузилиши жиҳатидан ўстириш ва яйлов ҳовузларидан фарқ қилади. Қишлаш ҳовузи йил давомида қуруқ ҳолда сақланади. Ундаги ўсимликлар ва унинг қолдиқлари олиб ташланади. Бу ишлар йил давомида 3-5 марта бажарилади. Ўсимлик қолдиғи қолмаслиги учун ҳовуз туби 5-10 см. чуқурликда чизел қилинади, яхшилаб мола бостирилади. Сув туби сув чиқиш жойига қараб 10-15 фоиз қия бўлиши керак. Қишлаш ҳовузи сув манбасига яқин бўлган жойда тайёрланади. Чунки сув бутун қиш давомида алмашиниб туриши лозим. Қишлаш ҳовузининг майдони 0,1-0,5 гектаргача бўлиши лозим. Ўртача чуқурлик 1,5-1,8 м, максимал чуқурлик сув чиқиш жойида 2 м. Қишлаш ҳовузига сув қуйишдан 2-3 ҳафта олдин гектарига1-2 тонна сўндирилмаган оҳак солинади. Қишлаш учун сеголеткалар ҳаво ҳарорати 5-8 даража илиқ бўлганда кўчирилади. Агар ҳаво совуб қолса, кўчириш ишлари тўхтатилади. Қишлаш учун мўлжалланган сеголеткаларнинг семизлик коэффициенти (2,5) ва вазни (25-35 г) талаб даражасида бўлиши керак. 10-15 г. оғирликка эга бўлганлари нобуд бўлади. Бу эса хўжаликка катта иқтисодий зарар етказади. Сеголеткаларнинг ёғ захираси қишлашдан олдин оғирлигининг 3-4 фоизини ташкил қилиши зарур. Қишлаш ҳовузига қуйиладиган сеголетка нормаси ҳар гектарига 500.000 та, қишдан чиқиш кўрсаткичи 70-80 фоизни ташкил қилади.

Сеголеткаларнинг қишдан яхши чиқиши учун сув алмашинувига эътибор бериш зарур. Сув алмашиниши кун давомида 15-18 литр/секундни ташкил этади. Қишлаш ҳовузи ва балиқлар ҳолати доимий равишда назорат қилинади. Сув музласа дарҳол 1-1,5 м. ҳажмда муз тешилади. Бундай тешиклар ҳар гектарда 15-20 тагача бўлиши лозим. Чунки муз атмосфера ҳавосининг сувга ўтишига тўсқинлик қилади, натижада сув тубида ҳарорат 4-5 градусгача ошади. Бу эса сувдаги эриган кислород миқдори 2-2,5 мг/л.гача камайишига олиб келади. Меъёр эса 5-6 мг/л бўлиши керак. Агар сувда эриган кислород миқдори камайса, балиқлар безовталанади, сув кирадиган томонга қараб ҳаракат қилади.

Сув кирадиган жойларда қўнғиз ва бошқа ҳашоратларнинг пайдо бўлиши сувда кислород камайганидан дарак беради. Қишда балиқлар ниҳоятда кам ҳаракатда бўлади, лекин ухламайди. Шунинг учун уларнинг оғирлиги 10-12 фоизгача камаяди.

Балиқчилик хўжалигида ниҳоятда хавфли давр сеголеткаларнинг қишлаш даври ҳисобланади. Агар қишлаш ҳовузи гидробиологик талабларга жавоб бермаса, барча сеголеткалар нобуд бўлади. Шунинг учун махсус қишлаш ҳовузи бўлмаган хўжаликларда балиқлаштириш ишларини март-апрел ойларида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, суви алмашинмайдиган, ўсимликлари кўп бўлган ҳовузларда балиқларнинг қишлаши муваффақиятли ўтмайди. Балиқлар димиқиш ҳолатига тушади ва кўп нобуд бўлади.

Даврон НИЁЗОВ,
Бухоро давлат университети доценти, биология фанлари номзоди.
Анвар НИЁЗОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

Мутахассис тавсияси

Ishonch
2010-yil 6-fevral №16-17 (2742)

Маънавият, спорт, саломатлик

баркамол авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади

Яқинда хизмат юзасидан Хоразмдаги корхоналардан бирида бўлдим. Машиналар шовқинига бепарво қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ёшлардаги иштиёқни кўриб қувондим. Бу қизларнинг ўз меҳнатидан мамнунлигидангина эмас, улар қалбида эзгу фикрлар жўш ураётгани, юртга муҳаббат, шукроналикдан ҳам далолатдир...

Вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ҳамда маданий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятлар, урф-одатларни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини сингдириш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди. Шубҳасиз, бу жараёнда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари юксак савияда ўтказилмоқда. Ўтган даврда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан «Аёл, жамият, касаба уюшмалари», «Соғлом турмуш тарзи: муаммо ва ечимлар» каби мавзуларда илмий-амалий конференция ва ўқув семинарлари ўтказилди. Ёшлар кенгаши томонидан «Миллий ғоя — бизнинг ғоя», «Келажак ёшлар қўлида», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Касаба уюшма аъзоларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда маънавий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда, спортнинг ҳам аҳамияти катта. Сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга мўлжалланган комплекс дастур асосида меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишга эътибор кучайтирилди.

Касаба уюшмалари ЖТСЖ вилоят кенгаши тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда қишлоқ меҳнаткашларининг «Саломатлик», таълим ва фан ходимларининг анъанавий «Аёллар спартакиадалари»ни ўтказмоқда.

Касаба уюшмалари ихтиёрида 2812 спорт майдончаси, 507 та спорт зали, 12 та сузиш ҳавзаси мавжуд. Бугунги кунда 329 та жисмоний тарбия ва спорт жамоаси тузилган бўлиб, шуғулланувчилар сони 20 мингдан зиёд.

Шунингдек, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг 6 тури бўйича 600 га яқин ўқувчи шуғулланмоқда. Бугунги кунда жамоаларда 4 нафар спорт устаси, 59 та спорт усталигига номзод, 157 та биринчи тоифали спортчи иш олиб бормоқда.

2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши касаба уюшмалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклади. Фаолиятимизда аъзоларни ҳар томонлама соғломлаштириш, ўқувчи-ёшларни спортга жалб этиш ҳар доим долзарб бўлиб келган. Жорий йилда бу борадаги ишларимизни янада ривожлантирамиз.

Одамбой БОЛТАЕВ,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари

Қон ҳаёт демакдир

Олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВ билан суҳбат

— Қон инсон танасида қандай вазифани бажаради?

— Қон ҳаёт демакдир. Инсон танасидаги барча аъзолар қон орқали бир-бирига боғланади. Қоннинг энг асосий вазифаси организмдаги ҳар бир хужайрага кислород етказиб бериш билан бирга тўқималарни витамин ва озиқ моддалари билан таъминлашдир. Қолаверса, қон орқа мия суюқлигининг вужудга келишида иштирок этади.

Қоннинг тинимсиз ҳаракати туфайли хужайраларга кислород, углевод, оқсил, ёғ етказиб берилади, моддалар алмашинувида ҳосил бўлган карбонат ангидрид ва бошқа чиқинди моддалар аъзолардан олиб кетилади.

Бундан ташқари, қон одамнинг ўсиши, ривожланиши учун зарур бўлган эндокрин гормонларнинг тузилиши учун асос бўлиб, ички секреция безлари ишлаб чиқарган гормонларни тана бўйлаб тарқатади.

— Гормонларнинг ўзи нима?

— Гормонлар организмдаги барча аъзолар ишини бошқариб, уларни турли инфекция, заҳарли модда ҳамда ташқи таъсирлардан сақловчи кўзга кўринмас куч манбаидир.

— Қон нималардан ташкил топган?

— Қон плазма ва қизил қон таначалари, яъни эритроцитлар, оқ қон таначалари — лейкоцит ҳамда қон бурмачалари — тромбоцитдан ташкил топади.

Қонда ҳамиша эритроцит, лейкоцит, тромбоцитлар сузиб юради. Плазма қоннинг суюқ қисми бўлиб, унинг 94 фоизи сув, 8-10 фоизи оқсил ва бошқа органик бирикма ва минерал тузлар бўлади. Ана шу плазма қон ҳажмининг ярмидан кўпини ташкил қилади.

— Нима учун қизил қон таначалари деб номланган?

— Аввалги суҳбатимизда айтиб ўтганимиздек, эритроцитлар танамизга кислород ташийди. У ўз навбатида, гемоглобин деб аталувчи оқсилга ниҳоятда бой бўлади. Ана шу оқсил кислород билан қўшилганда қизил рангга киради. Бутун организмда бирма-бир айланиб чиқиб, ўпкага қайтаётган қонда кислород камайиб, ранги ҳам тўқ қизил тусга киради.

— Оқ қон таначалари қаерда ҳосил бўлади?

— Лейкоцит ва лимфоцитлар орқа мия суюқлиги, лимфа тугунлари, жигар, қораталоқда ҳосил бўлиб, инсонни юқумли касалликлардан сақлайди. Организмга тушган микроб танамизнинг маълум жойини зарарлаб, инфекция ўчоғига айлантиради. Лейкоцитлар эса ана шу касаллик қўзғатувчиларни дарҳол ўраб олиб, ҳалок қилади. Қолган оқ таначалар ҳам микробларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади.

— Қон қандай тартибда танамизда айланади?

— Инсонда қон айланиш тизими иккита айланада ҳосил бўлади. Биринчи айланада юракдан ўпкага боради ва шу ерда кислородга тўйиниб, яна юракка қайтиб келади. Иккинчи айланада оқаётган қон эса юракдан бирма-бир барча аъзоларга бориб, йиғилган кислородни тарқатиб чиқади.



Бошқача айтганда, йирик қон томири бўлган артерия қонни барча аъзоларга олиб боради. Веналар эса аъзолардан чиққан қонни яна юракка ҳайдайди. Майда томирлар ҳисобланган капиллярлар қонни артериядан венага ҳаракатлантириб туради.

Ўпкада карбон оксидли газдан қутулиб, кислородга тўйинган қон юракнинг чап қоринчасидан энг катта қон томири — аортага тушади. У бир қанча томирларга бўлиниб, бири бошга, бошқаси қўл-оёққа, қолгани ошқозон-ичак бўйлаб қонни етказиб туради. Бу жараён узлуксиз давом этади.

Зарарли моддалар қон томирлари орқали ошқозон-ичак йўли, буйрак ва тери орқали танамиздан чиқиб кетади.

Кимнинг организмида бу вазифани бажариш қийин кечса, чиқинди моддалар хужайралар орасидаги суюқликда тўпланиб қолади. Бу, ўз навбатида, қонда заҳарли моддаларнинг кўпайишига сабаб бўлиб, томирларда тиқилмалар ҳосил қилади.

— Қон айланиши меъёри бузилганда инсонда қандай ўзгаришлар кузатилади?

— Аввало, одамнинг юзи қизаради, кафти жуда иссиқ бўлади. Қўлтиқ ости безлари катталашади. Оғзидан нохуш ҳид келиб, кўкрагида оғирлик сезилади. Қолаверса, ланж, тез толиқадиган, сабабсиз асабийлашадиган бўлиб қолади.

— Эътибор берган бўлсангиз, баъзи одамлар бирор жойини кесиб олса, қон тўхтамай оқаверади, бунинг сабаби нима?

— Маълумки, қон таркибида унинг ивишига тўсқинлик қилувчи моддалар бор. Ана шуларнинг кўмаги билан қон томирларда бир маромда ҳаракатланиб туради. Бехос бир жойингиз кесилса, ана шу моддалар қонга фибрин деб аталадиган оқсил ишлаб чиқаришга «буйруқ» беради. Мана шу оқсил тромбоцитларни бир-бирига ёпиштириб, зарарланган томирчаларни беркитиб қўяди. Натижада, қон тўхтайди.

Баъзиларда қон оқиши тўхтамай, ҳаёти хавф остида қолади. Бу аслида қон касаллиги бўлиб, тиббиётда уни гемофилия деб аташади. Наслдан-наслга ўтувчи бу хасталикка эркаклар жуда кўп чалинади. Аёллар касаллик ташувчи ҳисобланади. Агар отаси гемофилияга чалинган бўлса, қизи бу касалликка учрамайди. Аммо бобосининг хасталиги ирсий йўл билан қизининг ўғилларига ўтади.

— Гемофилияни даволаш мумкинми?

— Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхшироқдир. Бу хасталикка чалинган беморлар ҳамиша ўзларини шикастланишдан асраши керак. Чунки бошқалар учун оддий ҳисобланган йиқилиш, урилиш гемофилияга чалинган бемор ҳаётига катта хавф солади. Агар бемор бир нарсага урилиб кетса, ўша жойи дарҳол кўкаради. Негаки, шу ерда майда томирчалар шикастланиб, қон йиғилади. Оқибатда, кучли оғриқ пайдо бўлади. Ҳозирги замон тиббиёти бу хасталикни даволаш имкониятига эга. Фақат ўз вақтида мутахассис шифокорга мурожаат қилиш керак.

— Хасталикни табиий усулда даволаса бўладими?

— Гемофилияга чалинган беморлар қон ивишини оширувчи, қон кетишини тўхтатувчи, оғриқсизлантирувчи гиёҳли дамламалар истеъмол қилиши мумкин. Бунинг учун ярим пиёла наъматак меваси бир литр сувда, ўрта оловда 15 дақиқа қайнатилади. Қайнатма бир қошиқча асал билан кунига икки маҳал ичилади. Наъматак баргидан тайёрланган дамлама ҳам фойдали. Негаки, наъматак қон тўхтатувчи хусусиятга эга.

Беҳи қоқи ва баргидан тайёрланган қайнатма ҳам шифодир. Беҳи шарбати қон кетишини тўхтатади.

Амина НАБИЕВА
суҳбатлашди

Тадбиркорлик

Иқтисодиётга таянч бўлиб

Мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини қисқартириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ишбилармонларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ҳам мазкур фармон ижроси бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозир республикадаги ўттизга яқин хўжалик юритувчи субъект темирйўл ва поездларни таъмирлаш, юк ташишни ташкил этиш билан шуғулланиб келмоқда. Улардан бири Тошкент шаҳрида жойлашган «Marsen» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасидир. Фирма 12 йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон бозорида инерт материаллар ва сирпанчиқ материаллар ташиш борасида ишончли хизмат кўрсатмоқда. Жамоа бу борада катта тажриба орттирган.

Корхона директори Марина Лабашева билан мулоқотимиз хусусий корхонанинг фаолияти тўғрисида бўлди.

— Маринахон, суҳбатимиз аввалида корхонанинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Корхонамиз 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан республикамизга поездларда келтирилаётган юкларни декларациядан ўтказиш ва омборхоналарга жойлаштириш, мижозлар олгунча сақлаш, шунингдек, тижорат-воситачилик фаолиятини олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада «Бекободцемент», «Қизилқумцемент» акционерлик жамиятлари, Россиянинг «Нефтегазресурс», «Стройинвест» ОАЖлари, Қозоғистоннинг «Шалкияцинк ЛТД», «Казыгурт жолы», «Мирас-2005» корхоналари билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Уларга биз-нинг вагонлар орқали инерт материаллар етказиб берилмоқда. Вагонларни ижарага бериш юзасидан улар билан шартномаларимиз бор.

— Темирйўл тизимидаги ишларни бажаришда, яъни вагонларда юкларни ташиш борасида қандай техник имкониятларга эгасизлар? Демоқчиманки, фирманинг ўз вагонлари борми? Уларни қаердан олгансизлар?

— Корхонамиз ўз паркига эга. Ҳозир бизда 200 дан ортиқ хусусий юк ташийдиган думпкар вагонлар ва 5 та тепловоз бор. Республикамиздаги эски, ишдан чиққан, қаттиқ таъмирталаб вагонларни сотиб олиб, замонавий қилиб таъмирлаганмиз. Улардан қурилиш-таъмирлаш ташкилотларига инерт ва сирпанчиқ материалларни етказиб беришда фойдаланаяпмиз.

Фирма Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ва низомлар асосида иш олиб боради. У мустақил юридик шахс мақомига эга бўлиб, турли ташкилотлар билан, шунингдек, чет эллик ҳамкорлар билан шартнома асосида фаолият юритади.

— Натижалар қандай бўлмоқда?

— Жамоа транспорт хизмати кўрсатаётган хусусий корхоналар ичида етакчи ўринларни эгаллаб келаяпти. Ҳамкор ташкилотларга хизмат кўрсатиб даромад топамиз.

Корхона ҳар доим унум билан ишлаши учун вагонлар созлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш қувватини ошириб бориш керак. Шунинг учун юк ташиш жараёнида поездларнинг йўлларда ортиқча туришини қисқартириш, турли авариялар туфайли вагонларнинг ишдан чиқишини камайтириш, уларга техник хизмат кўрсатиш жараёнини қисқартириш эвазига тежамкорликка эришаяпмиз. Иқтисод қилинган маблағлар вагонларни таъмирлаш, уларнинг хизмат муддатини узайтириш, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш, хизматларни сертификатлаш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш каби ишларга сарфланмоқда.

Мисол учун Ўзбекистон темирйўлларига қарашли «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасида 100 та вагоннинг хизмат муддати узайтирилди, 200 та вагон эса «Тошкент юк» депосида мукаммал ҳамда депо таъмиридан чиқарилди. «Савдо Инфо Нет» ОАЖдан вагон ва тепловозлар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олдик.

— Корхона фаолиятини мунтазам равишда ривожлантириш учун қайси манбаларга асосланиб иш олиб борасизлар?

— Бирор корхонага хизмат кўрсатишдан олдин бу борадаги аҳволни, бозор кўрсаткичларини, ишимиздан кутилаётган натижаларни ўрганиб чиқамиз. Кейин республикадаги инерт материаллар катта ҳажмда ишлатиладиган корхоналардаги баҳоларга, корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволига, улардаги думпкар вагон парклариниг янгилаш масаласи ҳал этилган-этилмаганига эътибор қаратамиз. Бу тадқиқотлар транспорт хизмати бозорида фаол қатнашишимизга имкон яратмоқда. Келгусида кўпроқ ўз вагонларимиз билан хизмат кўрсатишни режалаштираяпмиз.

Бу борада рақобатбардошлик ва бошқа омилларга ҳам катта эътибор қаратамиз. Чунки тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юк ташиш билан шуғулланадиган ўттизга яқин ташкилот ичида саноқлиларигина ўзининг темирйўл транспортига эга холос, қолганлари фақат транспорт-экспедиторлик хизматлари, вагонлар учун код олиб бериш билан шуғулланади холос. Бундан ташқари, уларнинг ярмидан кўпроғи асосан контейнерларни узоқ масофаларга ташишга ихтисослашган бўлиб, республика ичида юк ташиш билан шуғулланмайди. Бундай корхоналарга чет эл компаниялари вакиллари киради ва уларнинг хизмати учун эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланади.

Корхонамиз яқин келажакда сифатли ва арзон нархларда транспорт хизмати кўрсатиб, бу борадаги илғор ташкилотлар сафига қўшилишига ишонамиз.

Ишдаги ютуқларимизда бизга ўз вақтида кредит ажратган ва ҳозир ҳам қўллаб-қувватлаб келаётган «Алоқабанк» ходимларининг хизмати катта. Улардан миннатдормиз.

Жамоамиздаги 25 нафар ходим орасида ишчилардан Владимир Юртаев, Абдулла Қўшонов, Ришат Бахтигалиев, Акбар Эшматов, бош бухгалтер ўринбосари Светлана Шестокова, шофёр Суннат Тўлагановларни барчага ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Адҳам ДАМИНОВ
тайёрлади.
Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган суратлар





Ishonch
2010-yil 6-fevral №16-17 (2742)



Сўраган эдингиз...

Ўқув юртларида ўқиётган давр меҳнат дафтарчасига киритиладими?

Гули ОЛИМОВА,
Тошкент шаҳри

Меҳнат дафтарчаси бор бўлган талабаларга, ўқувчиларга, аспирантларга ва тиббиёт ординаторларига ўқув юртлари (илмий муассасалар) томонидан кундузги бўлимларда ўқиган вақтлари тўғрисида ёзув киритилади. Бунга ўқув юртлари (илмий муассасалар)нинг ўқишга қабул қилиш ёки талабалар сафидан чиқариш ҳақидаги буйруқлари асос қилиб олинади.

Бу давр иш стажига қўшиб ҳисобланади.

* * *

Пойтахтимиздаги идораларнинг бирига ишга кирмоқчиман. Бунинг учун Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиш талаб этиладими?

Нуриддин ШЕРМАТОВ,
Китоб тумани

Республика Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони билан «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Низомда бошқа жойга ишлаш учун келган фуқаролар рўйхатдан ўтиши шарт эканлиги кўзда тутилган. Фуқаро Тошкент шаҳрида ишга жойлашиши учун у шу ҳудудда қайд этилган бўлиши лозим.

Қонунда қайдсиз яшаётган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

* * *

Бир идорада бошқа жойга ишга ўтказилдим. Янги жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатлар тўланадими? Иш берувчи тўлашдан бош тортса, нима қилиш мумкин?

Алишер ИСРОИЛОВ,
Каттақўрғон тумани

Меҳнат кодексининг 172-моддасига мувофиқ, бошқа жойга ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланиши керак:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;

янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

Аммо ходим ўз илтимосига кўра, бошқа жойдаги ишга ўтганда тўла ёки қисман компенсация тўлаш ҳақида олдиндан келишиши лозим. Бунда келишув бўлмаган тақдирда ходим компенсация тўлашни талаб қилиши мумкин эмас.

* * *

Тунда уйимга келаётган эдим, автомашиналарни сақлаш жойи қоровулининг ити бўш экан, оёғимдан тишлаб олди. Оқибатда, кутуриш хавфининг олдини олиш учун катта миқдорда харажат қилиб даволандим. Айбдордан харажатларни қоплашни талаб қилишим ва ундириб олишим мумкинми?

Акмал АБДУЛАҲАДОВ,
Уйчи тумани

Фуқаролик кодексининг 1002-моддасига кўра, уй ҳайвонлари етказган зарар учун уни қаровсиз қолдирган эгаси жавобгар бўлади.

«Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт» бўлими

«Вой-дод! тунаб кетишди...»

Сарлавҳани ўқиб, ҳайрон бўлманг. Бу сўзлар жуда таниш-а? Ахир, тиқилинчдан чиқиб олганингиздан енгил тортасиз-у, шу пайт нимангиздир йўқолганини сезасиз. Ва... Ўша таниш сўзлар.

* * *

Бир қатор кино асарларда мазкур «касб» эгалари фаолияти моҳирлик билан тасвирланган.

«Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» филмини бир эсланг. «Замш куртка, иккита портсигар (олтиндан ясалган)...» Шпакнинг оғзидан чиқаётган бу сўзлар шунчаки рўйхат эмас, ўғрилик «қурбон»-ига айланган ашёлар эди. Ёхуд элчининг махсус медалони йўқолганлиги ҳам шу касб соҳибининг моҳирлигидан эди.

Ҳинд киноси қироли Раж Капурдан «Дайди»даги ўғри образининг яратилиши, муваффақият сирларини сўрашганида, улар билан танишганлиги, ҳаётларини кундалик ишларини обдон ўрганганлигини айтган эди.

Машҳур илюзионист Эмил Кио кўрсатган фокуслардан сўнг кўпинча «Ўғрилик касбми ёхуд санъат?» деган савол туғилиши табиий эди. Милиция ходимларининг касб байрами кунига бағишланган байрам дастурида Эмил Кио саҳнага чиқади. Москва шаҳар ички ишлар бўлимининг энг фаол ходимларидан саҳнага чиқишларини илтимос қилади. Саҳнага чиққан ўн нафар милиция ходимига машҳур артист гул тақдим қила туриб, уларнинг қўлини бир-бир сиқиб қўяди. Улар хурсанд бўлиб жойларига бориб ўтиришади. Ашула тамом бўлгандан сўнг Эмил Кио яна ўша милиционерлардан «соат неча бўлди» деб сўрайди. Буни қарангки, улардан бештасининг соати аллақачон «ўмариб» кетилганди. Ва буни чўнтаккесарлар билан бир неча йилдан бери курашиб келаётган мазкур мутахассисларнинг бирортаси пайқамаган экан.

* * *

«Бўрини оёқлари боқади, мени эса қўлларим, — дея гап бошлайди биз билан суҳбатда шу «касб» орқасидан «нон топаётган» йигит. (Унга исмини ошкор этмасликни ваъда қилгандик, шунинг учун қаҳрамонимизни «У» деб аташни маъқул кўрдик).

— Бу гапни ҳар куни такрорлардим. Ўзим «ишлайдиган» трамвай зинасига кўтарилар эканман, Худодан «қўлга тушмай» дея сўрардим. Ахир, айтишади-ку, қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди деб.

Одатда, ҳар қандай фаолият Меҳнат кодексига биноан тартибга солинади, меники эса биров-нинг чўнтагига ҳеч қачон кўз тикмайман, деб ўзимга сўз бергандим. Бироқ «гера»ни ҳеч ким текинга бермасди. Хуллас, ишимни давом эттиришга мажбур бўлдим.



Одамлар эрталабдан завод ёки фабрикага ишга шошадилар, мен эса тиқилинч транспортларга «илиниб» олишга ҳаракат қиламан. Иш куним узоқ давом этмайди, лекин жуда оғир. Кунига энг кичик ўғриликларим сони беш-олтитадан ошмайди. Асосийси, наркотик моддага ва тирикчиликка етса бўлди.

Транспортга чиқишим билан биринчи навбатда «ўлжа» қидираман, хаёли паришон, ўзининг ғамини ўйлаб кетаётган одамлар ёнида бўлишим шарт. Аёллар сумкаси, пальто, шимнинг орқа чўнтагидаги пул, қимматбаҳо нарсалар борлигини билиш кўп вақт олмайди. Пулми, уяли телефонми, кармонми —ҳаммаси бир зумда менга ўтади. «Ўлжа»ни олишим билан навбатдаги бекатда тушиб қоламан.

Ишим жуда нозик, кайфда, жаҳл чиққанда, унга қўл урмайман. Бунинг учун катта ирода, зийраклик керак.

Кўпчилик аёллар бозор-ўчар қилиб, сабзавотлар билан тўлган халта устига кичкина сумкачасини қўйиб қўйишлари менга қўл келади. Баъзиларнинг пуллари эса «мени ол» деб чўнтакдан чиқиб туради. Транспортга кайф устида чиққанлар билан ишлаш эса жуда енгил, буни ўғриликни энди бошлаётган «гўдак»лар ҳам эплай олади...»

Қишнинг қаҳратони авжга чиққан кунларнинг бири... «У» навбатдаги "ўлжа» ни қўлга киритди. Автобусдан энди тушаётган ҳам эдики, барваста қўллар унинг ёқасидан тутди...

«У» ҳозир айблари учун жавоб бериши керак, буни жуда яхши билади. Хаёлида эса бир савол: «Неча йил беришаркан?»

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Огоҳ бўлайлик!

Ҳамқишлоғи Тўлқин Ражабовнинг оғиз тўлдириб берган ваъдасига ишониб, мўмай пул топиш илинжида хорижга отланган бир гуруҳ йигитлар бегона юртда хор бўлишини билишмаган эди. Бунинг устига тезда қайтарамиз дея қўшнилардан қарз кўтариб, ҳам ўзларини, ҳам қишлоқдошларини алдашди.

Алдовга учганлар



Аслида, воқеа бундай бўлган эди. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида яшовчи Анвар Холиқулов, Мансур Суюнов, Парда Раҳимов, Ўроқ Хўжаев, Шерзод Элмуродов, Равшан Қодировлар қишлоқдоши Тўлқиннинг ваъдасига ишониб, хорижга қандай отланганини ўзлари ҳам билмай қолишди.

Қозоғистонлик Эркин ва Зулфиқор исмли йигитлар билан ўз юртидан текинга ишлайдиган кишиларни олиб боришни, бунинг учун унинг ўзига хизмат ҳақи берилишини келишиб олган Тўлқин бир гуруҳ йигитларни домига илинтирди. Дастлаб Тошкентда ойига 200.000 сўм тўланадиган ишда ишлайсизлар деб алдаган фирибгар уларга Қозоғистонга борасизлар деб қолди.

Тоғни урса, талқон қиладиган олти ҳамқишлоғини Чимкент шаҳрига олиб бориб, Зулфиқор исмли шахсга мардикорликка топшириб, эвазига ундан 165.000 қозоқ тангаси олиб, ўзи ғойиб бўлди. Йигитлар иш ҳақини сўраб безор қилишганда, Зулфиқор уларни Тўлқиндан сотиб олиб, ҳақларини унга берганини айтади.

Қурилиш ишларида кеча-кундуз ишлаб, меҳнатга ҳақ ололмай тоқати тоқ бўлган йигитлар алданганликларини тушуниб, анча саргардонликдан сўнг юртга қайтиб келишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этишгач, фирибгар Т.Ражабов қилмишига яраша жазосини олди.

Шу ўринда савол туғилади. Фирибгарнинг қилмиши ортида нималар турибди? Унинг қилмишлари учун кимлар «шароит» яратмоқда? Ишонч чегарасини билолмаган, натижада, унинг тузоғига илинганлар эмасмикан? Фирибгарлар қанчалик кучли бўлмасин, ишонч қўрғонлари мустаҳкам бўлса ҳеч ким жабр кўрмасмиди?! Бу мулоҳазалар орқали айтмоқчи бўлганимиз биргина даъват: Огоҳ бўлайлик! Зеро, боболаримиз бежизга таъкидлашмаган: «Агар огоҳсен, шоҳсен... »

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Солиқ ва биз

2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорга кўра, фаолият тури бўйича гўшт, сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ҳамда кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини 50 фоиз камайтирилган ҳолда тўлаш ҳуқуқи берилди.

Имтиёз

Шундан келиб чиқиб, хусусан, «Бўстонлиқ сут» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси 2009 йил якуни бўйича 1.952.612,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва қарорга асосан 68.341 минг сўмлик имтиёздан фойдаланди.

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, мамлакатимизга 2007 йил 1 апрелдан бошлаб олиб кириладиган технологик жиҳозларга қонунчиликда кўзда тутилган божхона тўловлари бўйича ҳам имтиёзлар берилди.

Бу туманимиздаги 2 та корхонага 800 минг АҚШ доллари қийматидаги янги технологик жиҳозлар олиб келиб ўрнатиш имконини берди, шу тариқа қарийб 200 миллион сўмлик имтиёзга эга бўлинди.

Шунингдек, «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача барча солиқ турлари ҳамда давлат мақсадли фондларига (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди. Мазкур Қарорга мувофиқ, «Ғазалкент махсус қурилиш» МЧЖ шаклидаги корхона ўтган йил якуни бўйича 107.952.6 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди ва 2236,2 минг сўмлик солиқ имтиёзига эга бўлди.

У.ҚУРБОНОВ,
Р.ҲАСАНОВ,
Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси инспекторлари

Дунё касаба уюшмалари

2009 йил 23 -25 сентябр кунлари Боку шаҳрида касаба уюшмаларининг «Меҳнат ва атроф-муҳит» мавзусига бағишланган биринчи конференцияси бўлиб ўтган эди. Мазкур тадбир иш ўринларини барқарорлаштириш билан бир қаторда, экологик мувозанатни сақлаш борасида муҳим қадам бўлди.

Меҳнат ва атроф-муҳит

Унда Озарбайжон, Беларус, Белгия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина ва Ўзбекистон касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди. Конференция халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси — Бутун Европа минтақавий кенгаши (ХКУК-БЕМК) ва «Sustainlabour» халқаро фонди кўмагида ташкил этилди. Қатнашчиларни Озарбайжон касаба уюшмалари конфедерацияси раиси Саттор Мехбалиев, ХКУК-БЕМКнинг Москва офиси директори Андрей Мрост ва «Sustainlabour» халқаро фонди директори Лаура Мартин кутиб олишди.

Конференция сессияларида Халқаро меҳнат фонди вакиллари Юдит Каррерас ва Лаура Мартин Мурильо, СЕА лойиҳаси менежери Айтан Поладова, БМТ дастурларининг минтақавий координатори Моҳир Алиева, ХКУК вакили Анабелла Розенберг, ЮНЕП вакили Хортензе Палмиер ва бошқалар маъруза қилди. Мазкур сессиялар давомида барқарор ривожланиш концепцияси, ривожланиш масалаларида атроф-муҳит омилларига эътибор беришнинг аҳамияти, ишлаб чиқариш ва истеъмол меъёрларига ўзгартириш киритиш зарурлиги, шунингдек, барқарор ривожланиш йўлида касаба уюшмаларининг ҳаракат режасини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Фонд директори Лаура Мартин ўз чиқишида иқлим ўзгариши муаммолари ҳамда янги илмий ихтиролар ҳақида батафсил тўхталди. Ушбу конференция сессияси инсоният фаолияти оқибатида келиб чиққан иқлим ўзгариши муаммолари ҳамда сабаблари, унинг минтақа ва соҳа даражасидаги оқибатлари, муҳим компенсацион ва адаптацион чора-тадбирларга бағишланган масалаларга ўзига хос кириш бўлди. Унинг чиқишини ХКУКнинг барқарор ривожланиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш департаменти вакили Анабелла Розенберг ўз маълумотлари билан тўлдирди. У иқлим ўзгаришини тартибга солиш жараёнлари, шунингдек, БМТнинг иқлим ўзгаришига оид конвенцияси ижроси ҳамда Киото протоколи ва унинг механизмлари ҳақидаги маълумотларни қатнашчиларга тақдим этди. Масъулиятнинг тақсимланиши, молиявий оқимлар, технологияларнинг етказиб берилиши, касаба уюшмалари талаблари, ўтиш тизимининг яратилиши масалалари музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

«Ўтиш даврида бошқарув — чора-тадбирлар ва воситалар» номли сессияда асосий эътибор жаҳон миқёсида углерод чиқиндиларини камайтиришга ўтиш ва барқарор ўсиш масалаларига қаратилди. Бу янги секторларда иш ўринлари яратиш, шу билан бирга, ҳозирги баъзи иш ўринларини йўқ қилишни назарда тутади. Янги ўринлар эскиларидан фарқ қилади ва уларнинг ўрнини дарҳол эгалламайди. Шу сабабли муҳокамалар ҳамда меҳаткашларни оммавий қўллаб-қувватлашга қаратилган таклифларда масаланинг ижтимоий ва меҳнатга оид жиҳатлари диққат марказида бўлиши муҳимдир. Фикр алмашиш жараёнида касаба уюшмаларининг ўтиш давридаги роли, шунингдек, уларнинг олдида турган масалалар муҳокама қилиниб, иқтисодий инқироз келтириб чиқарган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Конференция сўнгида иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб, глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, минтақадаги кимёвий моддалар билан боғлиқ соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муаммолари мавзуларида материаллар тайёрлашди. Ўзбекистон вакили иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари масаласига алоҳида тўхталди. Орол фожиаси ва уни бартараф этишда ҳукумат томонидан кўрилаётган чоралар ҳақида гапирганда, сув ресурсларидан рационал ва оқилона фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимларида қўшни республикалар томонидан қурилиши тахмин этилаётган ГЭСлар қуриётган Орол фожиасини тезлаштириб, миллионлаб аҳолининг бу ерда яшашини имконсиз ҳолга келтиради. Дарёларнинг қуйи оқимларида яшовчи юз минглаб аҳолининг турмуш шароитини оғирлаштиради. Иш ўринлари, ишчи кучининг мамлакат ичида ҳамда четдаги миграциясида муаммолар юзага келади. Бундай муаммолар қўшни мамлакатларда ҳам юз беришини назарда тутиш керак. Ўзбекистон ҳукумати қўшни давлатларни бир неча бор оқилона халқаро вакиллар иштирокида музокара ўтказишга чақирди.

Ҳар иккала гуруҳ тақдимоти натижаси бўйича халқаро ташкилотлар экспертлари биринчи конференция иштирокчилари билан бирга, Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақалари касаба уюшмалари биргаликда ишлаб чиқишга ҳаракат қилган қўшма стратегия ва барқарор ривожланиш бўйича ҳаракат режаси доирасида қуйидаги концепцияни белгилади:

— касаба уюшмаларининг атроф-муҳит ҳолати муаммолари, хусусан, иқлим ўзгариши, кимёвий моддалардан фойдаланишни бошқариш билан боғлиқ хавотир ва эҳтиёжларини тушуниш;

— атроф-муҳит ҳолати ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги ўртасидаги боғлиқликка оид маълумотлардан огоҳлик даражасини ошириш;

— барқарор ривожланишга ўтиш жараёнида меҳнаткашларнинг биргаликда ҳаракат қилиш учун малакасини оширишга бўлган эҳтиёжларини иш ўринларида, маҳаллий, миллий ва минтақа даражасида ўрганиб чиқиш;

— тажриба алмашишга кўмаклашиш;

— минтақа даражасида қабул қилинган қарорларни бажаришда миллий ташкилотларнинг мавқеини мустаҳкамлашга ҳамда жараёнларни халқаро даражада амалга оширишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

— минтақавий тадбирлар, кампанияларни ўтказишга ва иш режаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

ЎзКУФК Халқаро бўлими томонидан тайёрланди

«Ishonch»га жавоб берадилар

Прокуратурадан чора кўриш сўралди

Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси томонидан Қамаши тумани Оқгузар КФЙ ҳудудидаги Оқгузар қишлоғида яшовчи фуқароларнинг таҳририятга ёзган аризаси ўрганиб чиқилганда, қуйидагилар маълум бўлди:

Вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2010 йил 6 январдаги 1-сонли буйруғига асосан Қамаши тумани Оқгузар қишлоғи ва Қамаши туман электр тармоқлари корхонасида бўлиб, аризада келтирилган важлар ўрганилганда, қишлоқ аҳолиси ҳозирги кунга қадар эрталаб соат 6-00 дан 8-00 гача, кеч 17-00 дан 19-00 гача ва 20-00 дан 22-00 гача бир кунда 6 соат электр-энергияни ҳам тўлиғича бермаслигини билдиришган.

Қамаши туман электр тармоқлари асосий ўчишларни (чеклаш) белгиланган жадвал асосида лимет бўйича берилиши ва қарздорлик кўплигини важ қилиб кўрсатмоқда. Лекин жадвалда эрталаб 6-00 дан 10-00 гача кеч 17-00 дан 21-00 гача жами 8 соат электр-энергия бериши керак эди.

Оқгузар қишлоғида 450 та истеъмолчи бўлиб, шундан 90 фоиз истеъмолчилар хонадонида электрон ҳисоблагич бўлиб, ушбу ҳисоблагичларни истеъмолчилар ўзлари сотиб олиб ўрнатганликларини билдиришган. Жумладан, Рўзиев Ҳусан 42000 сўмга, Мамаев Тилов 18000 сўмга, Хуррамов Тўйчи ва Эшмуродов Нормурод ҳам сотиб олиб ўрнатганликларини ва хонадонида мавжуд бўлган электр ускуналари, музлатгич ва телевизорлари куймаганлигини ўз билдириш хатларида кўрсатиб ўтишган. Ваҳоланки, аҳолига электрон ҳисоблагич бепул ҳолда сақлаш яшиги ва травсдан келиш кабели истеъмолчи ҳисобидан ўрнатиб берилиши керак эди.

Оқгузар қишлоғида яшовчи истеъмолчиларнинг қарздорлиги тўғрисидаги Қамаши туман электр тармоқлари томонидан берилган маълумотда 450 нафар истеъмолчидан 50 нафари 20000 сўмдан ортиқ қарздорлик, 70 нафари 400 сўмдан 20000 сўмгача қарз бўлиб, жами 3 миллион 500 минг сўмни ташкил этса, қолган 330 нафар истеъмолчи 12770651 сўм ортиқча тўловни амалга оширган. Бу ҳолатда Қамаши туман электр тармоқлари 50 нафар қарзи кўп истеъмолчиларнинг хонадонларини электр тармоқларидан узиб, қолган 400 нафар истеъмолчилар хонадонларини узлуксиз электр-энергия билан таъминлаши керак эди.

Қамаши туман электр тармоғининг 29.04.2009 йилдаги навбатчилик журналида Оқгузар қишлоғига электр энергия узатувчи Лойқа федерининг қўшиш ва ўчириши ўрганилганда, бир суткада 5 марта ўчириб-қўшганлиги ва 13 ярим соат электр-энергия берилганлиги қайд этилган. Бу билан ўчириб-қўшиш натижасида аҳолининг электр ускуналари, телевизор ва музлатгичлари куйиши истеъмолчиларга моддий ва маънавий зарарлар келтиради.

Юқоридагиларга кўра, Қамаши туман электр тармоқларига Оқгузар қишлоғида яшовчи истеъмолчиларга жадвал асосида электр-энергия бермаётганлиги ва электрон ҳисоблагичларни пулга ўрнатганлиги учун қонунда белгиланган тартибда чора кўриш учун 2010 йил 25 январ куни 06/14-сонли хат билан туман прокуратурасига юборилди.

Натижаси ҳақида қўшимча маълумот тақдим этилади.

М.ХИММАТОВ,
Қашқадарё вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси

Ishonch
2010-yil 6-fevral №16-17 (2742)

Навоийхонлик

Даҳо замон чегарасидан чиқиб кетади. Уни қандайдир оқим билан боғлаш тўғри эмас. У яратган маънавий ва моддий неъмат замонлар оша башариятни лол қолдириб келаверади.

«Кўнглим ул зулф ичрадур»

Мен Навоийни ўқий олмайман, куйлайман. Тасаввуфона фикрлай олмаслигим ажойиб сатрларни англашимга монелик қилмайди. Уни оддий англайман ва шундан завқ туяман. Бадиий кашфиётларни гапирмайман. Бу борада уста эмасман. Бу олимлар иши. Шеърий санъатнинг нозик жиҳатларидан тўлиқ воқиф эмасман. Менинг мулоҳазаларим, эҳтимол, навоийшунослар учун жуда жўн кўринар. Аммо кўнглим тубида нимадир, яна нимарса бордек... Бу дурдонани «Кўнглим ул зулф ичрадур» деб номлагим келди.

Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода истангиз.

Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мани ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға
Толиб эл бошига келган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайиндин
Бохабар бўлмоқ мани юзи қародан истангиз.

Кўнглим ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуқта янглиғким вафо узра қилур котиб рақам
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, ани истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

Бизни истаганлар, бало саҳросида истанг, ҳижрон водийси билан машаққат даштида истангиз. Агар водийда Вомиқ, Фарҳод, Мажнун кабилар пайдо бўлса, мани улар орасидан истангиз. Уларнинг юзлаб ишқичалик дард, бало, ғуссасини талаб қилган (истаган) элнинг бошига тушган можародан истангиз. Эй, сиз, моҳият булоғининг (дунёнинг) юзи қаролигидан бохабар бўлмоқ истаганлар, уни ман каби юзи қародан истангиз. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, дунёни англадиму юзи қаро бўлдим. Шунга ўхшаш фикр яна давом эттирилади. Манинг кўнглим ул зулф ичрадир (зулмат ичрадир), ишқим шарҳини зинҳор ман телбадан истаманглар, мен каби телбага мубтало бўлгандан истангиз. Ёр ақлу ҳушимни олди, мен ишқимни шарҳ айламакка ожизман. Буни менинг кўнглимга чирмашгандан, мени нима қилиб қўйгандан сўраб кўринглар. Ишқи ўтининг «вафо» устидаги нуқтадек (араб алифбосида «ф» устига нуқта қўйилади) доғини вафо аҳлидан истангиз (ҳақиқатан ҳам вафо қилғувчилар кўпроқ қийноққа дуч келади). Яна нуқта қўйилса «воқе»га айланиши мумкин. Эл Навоийни истайди-ю, тополмайди, у эса (ёр) оғзининг (ёхуд каломи) шавқидан йўқолиб қолди. Чунки ёрнинг оғзи шунчалик кичикки, худди йўқдек, ёхуд лутфи шунчалик нафиски, бу гўзалликдан киши ўзини йўқотиб қўяди. Демак, уни йўқлик даштида ёхуд ўткинчи мулк(мамлакат)да, орифлик (маърифат) дунёсида (йўқлик ёки борликда) истанглар. Бошқа ғазалларда ҳам оғзи хаёли гум, сўз шавқи хаста айлайди. Бу табиий, инсонга, айниқса шоирга хосдир.

Нега бу қўшиқни баъзи ҳофизлар «излангиз» радифи билан, сўзларни ўзгартириб айтишади? «Излангиз» жаранглироқ ва аниқроқ бўлсада, маъно жиҳатдан «истангиз» кенгроқдир. Назаримда, сўз қўшимчаларини тўлиқ талаффуз қилмаслик ҳам маънога бироз путур етказгандек. Масалан, «балодан» эмас, «балода», «водийи ҳижрон» эмас, «водийи ҳижрон», яъни «водий ва ҳижрон» эмас, «ҳижрон водийси»дир. Ёхуд, «дашту бало» эмас, «дашти ано», яни машаққат дашти, азоб дашти. Тўғри, ғазал оҳанги ҳофизларни мафтун қилган, хонишлар мусиқий сатрлар руҳини беради. Аммо унинг юракни ўртагувчи мазмунини тингловчи қалбига етказиш учун бошқа мўъжизавий байтларни аслидек куйлаш керакка ўхшайди. Умуман ҳофизлар буюк шоиримизнинг мулкидан «қўшиқлар гулдастаси» ясашса, халқимизнинг маънавий оламини анча бойитган бўлардилар.

Назаримда, араб алифбосида ёзилган ғазални кирилл алифбосига ўгиришда чалкашликларга йўл қўйилганга ўхшайди. Масалан, ғазалларда бир ўринда «мен» деб, бошқа ўринда «ман» тарзда ёзилган, араб алифбосида «мн» шаклида ёзилади. Оҳанг «ман»ни талаб қилса-да, қандай қоидага асосан «мен» дейилган экан? Ё ҳозирги кунда «ман» шевага, «мен» адабий тилга хос бўлгани учунми (баъзи адабиётда араб алифбосида «сен» ёзиладиган бўлса, «син» ва «нун» ўртасида «и» «е» белгиси сифатида ёнма-ён икки нуқта қўйилган. Минг шукур, мустақилликдан сўнг кириллчага ўгирилган Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр ва бошқаларда манзара ўзгача)? Ёхуд ушбу ғазалдаги арабча «фи» аффикси қўшилган сўзлар кириллда бирикиб кетган. Натижада, оддий китобхон ғазални луғат билан ҳам тушуниши мушкулроқ.

Яна бир нарсани айтай: Румийнинг форсча «ман на манам, на ман манам»ига қойил қоламиз, Абдулла Ориповнинг ўзбекча «Ватаним маним»идан ғурурланамиз. Демак, кишилик олмошининг ушбу кўриниши икки тилда ҳам кенг истеъмолда.

Ҳозир кишилар, айниқса, ўзини зиёли санаганлар баъзан русча иборага ўзбекча тўн кийдириб гапиришади. Илгари шеъриятга форсча ва арабча иборалар ўз-ўзидан кириб борган ҳамда унга чиройли оҳанг бағишлаган. Масалан, ушбу ғазалдаги «сахрои бало», «водийи ҳижрон», «дашти ано» форсча, «адам дашти» эса ўзбекча, «саводул важҳ фиддорайин» арабча иборалардир. «Савод» ва «кора», «важҳ» ва «юз» каби сўзларнинг ёнма-ён келиши ҳам тил ўрганишда ҳозирги замон ёшларига асқотади.

Зулф васфини ким қандай тараннум этган экан деган хаёл кечади кўнглимдан. Машрабнинг «девоналиги» «зулфи доми», «зулфи тараб»и, «зулфинг шоми»га «шона урса», Бобур «савдои зулфи» бўлиб, «мусалсал зулфи»ни «маскан эт»ади, Фузулий «сояи зулфи», «куфри зулфи», «занжири зулфи»дин озор чекади, Фурқат «ҳалқаи зулфи», «зулфии ваҳши»га «дилбасталиг» қилса, Муқимий «зулфи печи-тоб»и, «зулфи сунбул»и «паришон тебранган»да тебраниб кетади ва ҳоказо. Барибир, «кўнгил зулф ичра» бошқачароқдир.

Қисқаси, ғазал ғоят гўзал. Баъзилар шеър дилларга ҳаловат бағишлайди дейди. Маним эса ҳаловатимни ўғирлади.

«Истаганлар бизни...». Бу қандай ёзилди экан? Ғазални куйлайсан ё тинглайсан, вужудинг зир титрайди. Дунё камалакранг товланади. Хуш сатрлар сархуш айлайди. «Кўнглим ул зулф ичрадур». Ваҳ, ваҳ!

Довуд МАҲДИЙ



Фарғона тумани Водил қишлоғидаги компютер технологиялари коллежида ўндан ортиқ компютер синф хоналари, математика, биология, физика, кимё каби фан кабинетлари мавжуд бўлиб, улар барча зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали билан ҳамкорлик таълим сифати ва самарадорлигини оширишда яхши самара бермоқда.

Суратларда: коллежнинг 1-курс ўқувчиси Ходисахон Мураева; коллеж ўқувчилари компютер машғулотида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Ватан оиладан бошланади

Адолатли фуқаролик жамияти ҳам моддий, ҳам юксак ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам оилалар негизида шаклланади.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ҳузурида ташкил этилган «Оила мактаби» ёш келинкуёвлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Мактаб машғулотлари ойма-ой ўтказилиб, унда янги турмуш қурган ёшлар иштирок этишади. Катта ҳаёт мактаби вакиллари ҳисобланмиш отахону онахонлар, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари таклиф этилиб, оила мустаҳкамлиги, унинг ҳуқуқий, моддий ва маънавий жиҳатлари ҳақида суҳбатлар ўтказилади.

Яккабоғда оила мактаби

— Машғулотларда юздан зиёд ёш оила вакиллари қатнашиб, оила ва никоҳнинг ҳам назарий, ҳам амалий асосларидан баҳраманд бўлишмоқда, — дейди туман ФҲДЁ бўлими мудираси Замира Раҳимова.

Ҳуқуқшунослар, ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан уюштирилган «Ватан оиладан бошланади», «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», «Таббий кўрикнинг аҳамияти», «Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» каби суҳбатлар ёшларда катта таассурот қолдираяпти.

И.ИСОМИДДИНОВ

Самоварчи момо

Асал момо Ширкент маҳалласининг дуогўй онахонларидан. 96 ёшида ҳам бардам ва тетик. Балки бу суяги меҳнатда қотганлигидандир.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йиллари оғир кечди. Фронтга кетган йигитларнинг ўрнини билдирмай далада ишлади. Вақти келганда қўш ҳайдади, ўроқ ўрди, хирмон янчди. Жангчиларга озиқ-овқат етказиб беришда фаол қатнашди. Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб хўжаликда пахтачилик тармоғида ишлади. Ғўзани чопиқ қилди, суғорди, пахта йиғим-теримида илғорликни қўлдан бермади.

Асал момони 60-йиллардан бери биламан. Ўша пайтларда энди мактабни битириб, бригада ишчисига айланган-дим. Момо ишчиларга самоварда чой қайнатиб берардилар. Ширкент қишлоғида момонинг чойини ичмаган кам топилади. Ўша йиллар бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Камолхон Мирзаев, Қуйли Хушшиевлар ҳам Асал момони кўп эсга олишади. Дала шийпонида ишчилар, ёрдамга келган ўқувчилар дам олиб, тунар эдилар. Уларга ҳам Асал момо жон-дилдан хизмат қиларди. Хоҳ тонг саҳарда, хоҳ тушда бўлсин, самовари биқирлаб қайнаб турарди.

Айни кунларда бу табаррук инсон ўғил-қизлари, невара-чеваралари қуршовида қарилик гаштини сурмоқда. Икки ўғли ва икки қизи, ҳисобсиз невара-эваралари бор. Улар ёши улуғ онахоннинг панд-насиҳатларига амал қилиб яшашмоқда. Узоқ йиллик машаққатли ва ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган Асал момони маҳалламиз ёшлари ҳар байрамда йўқлаб туришади. Ўз навбатида, момомиз ҳам бугунги дориломон замонамизга шукроналар айтиб, ёшларни дуо қилишдан чарчамайди.

Худойберди НАЗАРОВ,
Қарши тумани

Пиру бадавлатларимиз

Спорт салтанати

Навбатдаги XXI Қишки олимпия ўйинлари 12 - 28 феврал кунлари Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли тадбирда мамлакатимиз терма жамоа аъзоларининг учнафари — Олег Шамаев, Ксения Григорьева (тоғ чанғиси) ҳамда Анастасия Гемазитдинова (конкида фигурали учиш) сўнгги тайёргарлик машғулотларини ўтказишмоқда.

МУҲИМ СИНОВ ОЛДИДАН

Маълумки, спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика Олий спорт маҳорат мактабида бугунги кунда спортнинг ёзги (ўқ отиш, стендда отиш, камондан отиш, велоспорт ва триатлон) ва қишки (конкида фигурали учиш, снауборд, тоғ чанғиси, алпинизм ва қояни забт этиш, фрейстал) турлари бўйича беш юзга яқин спортчилар шуғулланишади. Мавжуд 10 та турнинг тўққизтаси олимпия спорт турлари таркибига киритилган. Мактабдаги 487 нафар спортчининг 263 нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланишади.

Эътиборлиси шундаки, юртимиз спортчилари турли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шаънини муносиб ҳимоя этиб, нуфузли спорт мусобақаларида юксак натижаларни қайд этишмоқда.

Биргина ўтган йилда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Халқаро чанғичилар федерациясининг кубок босқичларида муваффақиятли иштирок этишди. Масалан, 1-3 феврал кунлари Эроннинг Шемшаки шаҳрида иштирок этган вакилларимиз бешта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган бўлса, 1-5 март кунлари Эроннинг Дизин шаҳрида ўтказилган навбатдаги босқичда иккита олтин ва иккита кумушга эгалик қилиб, умумжамоа ҳисобида учинни ўринни банд этди.

Бундан ташқари, 13-17 март кунлари Туркиянинг Паландакен ва 30 -31 мартда Қозоғистоннинг Чимбулоқ даралари мезбонлик қилган босқичларда ҳам чанғичиларимиз совринли ўринларни қўлга киритиб, терма жамоа ҳисобидаги медаллар сонини яна ўн саккизтага кўпайтирди. Умид қиламизки, бу анъана бундан кейин ҳам давом этиб, спортчиларимиз юртимиз довруғини жаҳон узра тараватаверишади.

Айни пайтда тоғ чанғиси спортчи бўйича Олег Шамаев ва Ксения Григорьева терма жамоа катта мураббийи Стенин Вячеслав, Анастасия Гемазитдинова эса конкида фигурали учиш бўйича мураббий Пётр Кипрушев бошчилигида ўз маҳоратларини чархламоқдалар.

— Анастасия Гемазитдинова ҳозирда Россиянинг Первоуролоск шаҳрида тайёргарлик кўрмоқда, — дейди Конкида фигурали учиш федерацияси бош котиби Рохин Евгений Аркадьевич. — Унинг олимпия ўйинларидаги чиқиши 23 февралга мўлжалланган. Агар у финалга чиқса, эркин чиқиш бўйича ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этиш имкониятига эга бўлади.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Пеледан дастхат олган МАТҒОЗИ АКА

Гулистон шаҳрида истиқомат қилаётган Матғози ака Жуманов шундай ҳикоя қилади:

— КВН (қувноқлар ва зукколар клуби) кўрсатувини севиб томоша қилмаган одам бўлмаса керак.

Ўшанда, аниқроғи, 1965 йилда Москва шаҳрида ҳарбий бурчимни ўтаётгандим. Командиримиз ҳузурига чақириб қолди.

— Сенга, — деди у, — муҳим топшириқ бор: Александр Масляковнинг КВНида иштирок этасан. Сени бутун мамлакат кўради. Қиладиган ишинг оддий: талабалар жамоаси сафида турасан.

Командирнинг буйруғи муҳокама қилинмайди, бажарилади. Шундай қилиб:

— Томоша бошланди. Қаранг-а, станоксозлик институти жамоаси рақиби бўлмиш авиация институти вакилларига шундай савол берди, — ҳикоясини давом эттирди Жуманов. — Футбол қироли Пеленинг ҳақиқий исми ва шарифини айтиб беринг.

Бўлажак авиасозлардан тайинли жавоб чиқмади. Чидаб туролмадим.

— Шу саволга мен жавоб берай.

Жамоадошларим аввалига ишонқирамай қарашди, аммо дадил турганимни кўриб, сардор:

— Саволингизга жамоамизнинг ўзбекистонлик вакили Матғози Жуманов жавоб беради, — деб эълон қилиб юборди.

Микрофонни қўлимга олдим.

— Футбол қироли Пеленинг асли исми ва фамилияси мана бундай: Эдсон Арантис ду Насименту.

Бироқ мен бу жавоб билан чегараланиб қолмадим. Унга қуйидагича қўшимча ҳам қилиб қўйдим:

— Пеле 1940 йил *23* октябрда Бразилиянинг Минас Жерайс штатида дунёга келган.

Останкино телеминораси саройида олқиш янгради...

Боёвутдан бориб, ҳарбий хизмат чоғида КВНда қатнашиш бахтига сазовор бўлган Матғози Жумановни зукколиги ва топқирлиги учун Москва авиасозлар институти эсдалик совғаси билан тақдирлади, ҳарбий қисм қўмондони эса унга Москванинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун уч кунга рухсат берди.

— Камина футболнинг ашаддий ишқибозиман. Агарда ишонмасангиз, эшитинг. 1963 йилда Москванинг Лужники стадионида Пеле билан учрашганман ва ундан дастхат олишга ҳам муваффақ бўлганман, — деди ширин хотиралар билан ўртоқлашар экан Матғози ака.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги жамоаси касаба уюшма фаоли, Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўқув-спорт бўлими мудири Нодир Баҳодировга умр йўлдоши **МАТЛУБА ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: Sh. Abdusamadov
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.20

Буюртма Г — 152

20583 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5